

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Архитектура Қурилиш институти

Қўлёзма ҳуқуқида

Муҳамедов Бехзод Давлатович.

**Ўзбекистон катта шаҳарларнинг ривожланиши
(Урганч шаҳри мисолида)**

Мутахассислик: 5А 340103 —« Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини
комплекс қуриш»

Архитектура магистри, академик даражасини ёқлаш учун

Диссертация

Диссертация кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.

№__ баённома____ 2013 й.

«Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси»

кафедраси мудири

арх. ф. д., проф. Аҳмедов. М. Қ.

«__» ____ 2013 й.

Илмий раҳбар:

арх. ф. д., проф. Аҳмедов. М. Қ. ____

Тошкент 2013.

Ўзбекистон катта шаҳарларнинг ривожланиши **(Урганч шаҳри мисолида)**

Мундарижа

Кириш.....	3
1 боб. Ҳудудий аҳоли жойлашуви ва шаҳарларнинг урбанизациялашуви.....	11
1.1. Замонавий шаҳарлар урбанизациялашуви жараёнлари.....	11
1.2. Ўзбекистонда ҳудудий аҳоли жойлашуви тизимларининг шаклланиши.....	15
1.3. Ўзбекистон катта шаҳарларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари	25
2 боб. Урганч шаҳри агломерациясининг шаклланиш хусусиятлари.....	44
2.1. Урганч шаҳри ривожланишининг асосий муаммолари.....	44
2.2. Шаҳар ўсишига таъсир қилувчи омиллар.....	47
2.3. Урганч шаҳри агломерациясининг ўзига хос хусусиятлари.....	52
3 боб. Урганч шаҳри функционал ҳудудий таркиби ривожланишини тартибга солиш масалалари.....	60
3.1. Хоразм вилояти туманлаштиришда Урганчнинг марказий шаҳар сифатида ривожланиш омиллари.....	60
3.2 Урганчнинг катта шаҳарларга хос урбанистик тамойиллари.....	62
3.3 Қуйи Амударё урбанистик минтақаси доирасида Урганчнинг ўрни.....	68
Хулоса.....	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75
Иловалар.....	76

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон ижтимоий иқтисодий ва маданий ривожланишида ислохотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш ва бошқаришда вилоят марказлари агломерациялари катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кундаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини олдини олиш ва бартараф қилиш, миллий ва минтақавий иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, республикамизда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурларини ҳаётга тадбиқ этиш турли хил йирикликдаги шаҳарлар ривожланишини тақозо қилади. Мустақиллик йилларида республиканинг йирик ва катта шаҳарлари ривожланишига катта аҳамият берилмоқда.

Республика Президенти И.Каримов бу ҳақда: “...мамлакатимизнинг истаган катта-кичик шаҳарларда оврўпача замонавий бинолар қаторида, гоҳида эса омукталашган ҳолда ўрта асрлар Самарқанд, Бухоро, Хива меъморилик услубидаги бинолар қад кўтарганини ва қурилаётганини учратиш мумкин. Бу услуб шаҳарларимизга ўзига хос бетакрор, айнаи чоғда миллий қиёфа бахш этмоқда”, деб таъкидлаганлар.¹ Шунингдек, юртбошимиз: “Ҳудудларда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш тизимини тезлаштириш керак”лигини² таъкидлаган. 2000 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида Архитектура ва шаҳарсозликни замонавийлаштириш чора тадбирлари» ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонининг қабул қилиниши шаҳарлар қурилишини тартибга солишга катта туртки бўлди. Ўзбекистон мутлоқ ўзига хос демографик ҳолатга эга бўлган республика ҳисобланган ҳолда аҳоли жойлаштиришни шакллантиришнинг жуда муҳим регионал хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги ичида аҳоли сони бўйича Россия ва Украинадан сўнг учинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти –аҳоли сонининг тез ўсишидир, бунга тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва айниқса демографик омилларга сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Аҳолининг ўртача йиллик ўсишининг суръатлари баланд 1000 та одамга 17.3 кишини ташкил этади. Республиканинг қулай табиий шароитларига таянган ҳолда пахта етиштиришга ихтисослашганлиги асосан замонавий қишлоқ ва шаҳар аҳоли жойлашувини шакллантиришни белгилайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 августдаги 320-сон қарорига биноан шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидagi посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.3

бандида қуйидагилар эътироф этилган: «Аҳоли яшаш жойининг бош режаси аҳоли яшаш жойлари архитектура режалаштириш тузилмасининг туташиб кетган қишлоқ ҳудудлари билан биргаликда уйғун ривожлантирилишини, аҳоли яшаш жойларидан оқилона фойдаланишни, табиий муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, аҳоли яшайдиган замонавий марказларни, янги архитектура комплексларини шакллантиришни, эскидан шаклланган шаҳар туманларини реконструкция қилишни, саноат объектлари, транспорт магистраллари, муҳандислик –техник тизимларини жойлаштириш схемасини яшаш муҳитининг қулайлигини оширган ҳолда мақбуллаштиришни назарда тутади».

Саноатни ва бошқа соҳаларининг ривожланиши ҳам шаҳар жойларининг ўсишига шароит яратади. Охирги 80 йил ичида Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси сони 7-8 мартага ошди, шаҳарлар сони эса 14 тадан 121 тагача ўсди. Шу билан бирга республика саноати ҳудуд бўйича нотекис жойлашган. У асосан Тошкент вилояти, Фарғона водийси, Самарқанд ва Навоий вилоятларига тўпланган. Шунга қарамадан шаҳарларнинг интенсив ривожланишига қарамай шаҳар манзилгоҳларини ташкил этиш учун заҳиралар имконияти ҳали анча юқори. Шу жихатдан қараганда мамлакатимизда урбанизация жараёнининг ривожланиши турли тоифа шаҳарларининг бозор шароитига мослашуви, шаҳарлар функционал ҳудудлари тизимининг шаклланиши ва уларни бошқаришда бир қатор муамолар мавжуд.

Республикаимизнинг Шимолий ғарбида «Қуйи Амударё урбанистик минтақаси»да жойлашган Хоразм вилоятининг табиий шароитларига таянган ҳолда пахта, шолі, буғдой етиштиришга ихтисослаштирилганлиги асосан, замонавий қишлоқ ва шаҳар аҳоли жойлашувини шакллантиришни белгиларди. Бозор иқтисодиёти шароитида вилоятда кичик ва ўрта бизнесни ривожланиши шаҳар миқёсида янги саноат ва савдо ҳудудларини режалаштиришни тақозо қилмоқда. Жумладан Хоразм вилояти маркази бўлган Урганч шаҳрининг ривожланишини ҳозирги мураккаб экологик шароитда тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай муаммоларни ҳал қилишда республикада катта шаҳар ва уларнинг таъсир доирасида вужудга келаётган аҳоли мазилгоҳларининг интеграциялашган ҳудудий тизимлари – агломерациялар катта имконияти борлиги билан ажралиб туради. Ўзига хос ҳудудий урбанистик ривожига эришган, демографик ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга Урганч шаҳри мамлакатимизнинг шимолий – ғарбий қисмида муҳим мавқеъга эга. Республикаимиз- нинг асосан аграр соҳага иқтисослашган қисмида жойлашганлигига қарамадан маданий-маърифий, илмий ва туристик марказлардан бири бўлиб республикаимизнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш стратегияси ва йўналишларини амалга оширишда Урганч

агломерациясининг ахамияти катта. Аҳолини ҳудудий ташкил этишнинг муҳим шакли ҳисобланган катта шаҳар агломерацияларидаги вужудга келган иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа муаммоларни Урганч шаҳри мисолида тадқиқ этиш ва унга тегишли хулосалар бериш ушбу мавзудаги магистрлик илмий ишини долзарблигини асослаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Хорижий давлатларда йирик шаҳар ва шаҳар агломерациялари шаклланиши ва ривожланишининг назарий ва амалий масалалари Ч.Гаррис, П.Геддес, К.Доксиадис, В.Рейли, Ж.Готтман, Р.Доманьский, М.Руже, Ж.Форрестер ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Ҳамдўстлик мамлакатларида бундай мавзулар билан шуғулланиш 1970-80-йилларда авж олган бўлиб, Г.М.Лаппо, В.Г.Давидович, Ф.М.Листенгурт, П.М.Полян, О.К.Кудрявцев, А.П.Бурьян, А.Г.Вишневский, В.В.Покшишевский, В.А.Скутин, Б.С.Хорев каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. Республикамизда З.М.Акрамов (1964), Аҳмедов(2002), С.С.Зокиров(1996), Т.Н.Маллабоев(1982), Т.И.Раимов(1964) З.Х.Райимжонов(1992), О.Б.Ота-Мирзаев(1985), А.С.Солиев(1984-2002), Р.Н.Тиллаев(1975), А.А.Қаюмов(1994), Х.Т.Турсунов (1994) Ш.Ж.Асқаров ва бошқалар шаҳарлар ривожланиши ва аҳоли манзилгоҳлари ҳудудий тизимларининг ривожланиш хусусиятларини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ю.К.Акопжян, Ф.Ф.Бакирхонов, М.Г.Лифановская, Х.К.Турсуновлар эса ушбу муаммога шаҳар қурилиши ва архитектураси нуқтаи назаридан ўрганишган. Лекин янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлардан келиб чиққан ҳолда республика миқёсида шаҳар аҳоли яшаш тизимларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари кам ўрганилган.

Тадқиқот мақсади.

Республика шаҳарларида аҳоли жойлашуви ҳудудий тизимларининг шаклланиши ва ривожланишининг ҳозирги замон хусусиятларини Урганч шаҳри мисолида ўрганиш орқали мавжуд шаҳарсозлик муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланган ва амалга оширилиши кўзда тутилган:

- 1.Шаҳарлар ўсишининг илмий назарий масалаларини тадқиқ қилиш;
- 2.Замонавий Катта шаҳарлар ўсишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш;

3. Ўзбекистонда ҳудудий аҳоли жойлашуви тизимларининг шаклланиш тарихи ва келажагини таҳлил қилиш;

4. Мустақиллик йилларида катта шаҳар агломерацияларининг ривожланиш хусусиятларини Урганч шаҳри мисолида ўрганиб чиқиш;

5. Экологик шароитларини ҳисобга олиб Урганч шаҳри агломерацияси функционал таркибий қисмларини таҳлил қилиш ва шу орқали Урганч шаҳри ривожланишининг долзарб муаммолари ва асосий йўналишларини аниқлаш ва бошқалар.

Тадқиқот объекти.

Тадқиқот ишининг объекти - республика шаҳар аҳоли яшаш манзилгоҳлари ва уларнинг ҳудудий тизимлари.

Тадқиқот предмети.

Тадқиқот ишининг предмети - катта шаҳарларнинг агломерация сифатида шаклланиши, ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари.

Тадқиқот методлари.

Бу тадқиқот иши соҳага тегишли бўлган давлат қарорлари, республика Президенти И.А.Каримовнинг фармонлари ва асарлари, ҳамда шаҳарсозлик назарияси фанида регионал аҳоли жойлашуви, шаҳар экологик муҳити, урбанизацияси жараёнларини ўрганишда яратилган назарий билимлар, мазкур муаммолар билан шуғулланган олимларнинг илмий ишларига таянган ҳолда бажарилган. Магистрлик диссертациясининг методини – Республика ката шаҳарлари ва хусусан Урганч агломерацияси, шаҳар бош режасининг шаклланиш қонуниятларини шаҳарсозлик нуқтаи назаридан умумий таҳлил қилиш ва табиий кузатувлар, тизимли ёндашувлар ташкил қилиб, бунда таққослаш, комплекс таҳлил, статистик, картографик, ва компьютер 3D моделлаштириш усулларидадан фойдаланилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар.

Дунёда замонавий шаҳарлар урбанизациялашуви жараёни ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили;

Ўзбекистонда ҳудудий аҳоли жойлашуви тизимларининг шаклланиш босқичлари борасидаги тадқиқий материаллар;

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Урганч шаҳри агломерациясининг ривожланиши ва функционал –худудий таркибини ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар;

Урганч шаҳри агломерацияси ривожланишининг асосий муаммолари ва уни тартибга солишнинг истиқболли йўналишлари ва бошқа таклифлар.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Шаҳар агломерациялари ва улар ривожланишининг замонавий хусусиятларини хорижий давлатларда назарий ва амалий жихатдан Ч.Гаррис, П.Геддес, К.Доксиадис, В.Рейли, Ж.Готтман, Р.Доманьский, М.Руже, Ж.Форрестер ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган бўлиб «жаҳон урбанизацияси кейинги йилларда жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 50 фоиздан ортиқроғи шаҳарларда яшайди. Замонавий урбанизация жараёнининг асосий хусусиятлари шундаки, глобал тараққиётни «дунёвий шаҳарлар» ва шаҳар агломерациялари белгилаб бермоқда. Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда Шаҳар агломерациялари аҳоли ва ишлаб чиқаришни худудий ташкил этишнинг асосий шакли сифатида нафақат мамлакат, балки йирик геосиёсий минтақалар ва ҳатто жаҳон миқёсида ўзига хос «ўсиш қутбларига» айланмоқда.

1953 йили грек шаҳарсози К.Доксиадиснинг шаҳар концепцияси машҳур бўлди. У келажак шаҳарининг ва янги фани – Экистика нинг (инсон аҳоли жойлари ҳақидаги фан) назарий асосларини таърифлаб берди. Бу фан инсоннинг ҳаёт эҳтиёжлари учун улкан маконларни ташкил этиш муаммоларини қамраб олади. Доксиадис томонидан илгари сурилган, кўринишидан янги ва ҳатто экстравагант туюлган шаҳарларнинг ягона мегаполисга бирлашиб кетиши, тезликда ўзининг янги туғилиб келаётган экологик ҳолати олдида қоққлигини кўрсатди.

“Шунга қарамай, биз бугунги кунда бутун дунёда агломерациялар пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида етарли далилларга эгамиз”. Доксиадиснинг “келажак аҳоли жойлашуви ғояси”ни кўриб чиқамиз. ХХІ аср охири келажак шаҳари муаммосини тадқиқ қилиб, Доксиадис «эгуменаполис» - шаҳарларнинг гигант агломерацияларга ўсиб ўтиши шаклидаги келажак аҳоли жойла-шуви назариясини олдинга сурди. Доксиадис ўзининг келажак шаҳри назарий асосларида вақт омилини (тўртинчи ўлчов) асосий деб тан олади. У моноцентрик режали динамик шаҳар ғоясини таклиф қилади, у шаҳарнинг ўсишида бир томонлама ривожла-нувчи чизикли тузилмага айланади. Доксиадис томонидан шаҳар эволюцияси қуйидагича тасвирланган: “ўтмиш статик шаҳри шаҳар туманларини қайта қуриш орқали замонавий шаҳарга айланади ва шундай қилиб

унинг маркази рақ ярасига ўхшаб катталашади. Бу ҳолни тўғрилашнинг ягона йўли – шаҳар табиий ўсишининг шундай ечимини қидириш керакки, унда кейинги элементлар ривожлана туриб, мавжудларини йўқ қилиб юбормаслиги керак, яъни, шаҳарнинг бутун ҳудуди ва марказининг аста-секин, тўсиқсиз ривожланиши кузатилади”.

Доксиадис назарияси бўйича “динамик шаҳар маркази таркиби унинг доимо ўсиши талабларига жавоб бериши керак. Марказ ил-гари танланган ўқ бўйича эркин ривожланиши лозим, унда аввал шаҳарнинг марказий ядроси жойлашади, у кейинчалик бир йўналишда ривожланади”.

Доксиадис бўйича шаҳар ўз ривожланишида тўртта босқичдан ўтади. Булар “«динаполис» (бир йўналишда ривожланувчи моно-центрик шаҳар) ва «динаметрополис» (бир нечта «динаполис»лар-нинг параллел ривожланиши)дан «динамегаполис» (гигант-шаҳар-ларнинг ривожланиши) ва шаҳар тузилмасининг охириги босқичи – «экуменополис» бўлиб, бу ер шари бутун қитъаларини қоплаб олган шаҳарлар кўринишидаги бир текис ва мувозанатли аҳоли жойлашуви шакли”.

Доксиадис динамик шаҳар назариясига асосан “экуменополис босқичининг статиклиги қарама-қаршидир, унда шаҳар ўсиши, тўла мувозанатга етгач, тўхтади”. Бу ғоянинг биринчи салбий томони –шаҳарнинг ривожланиш қонуниятлари ёки бу мамлакатда шаҳарсозликнинг ижтимоий, иқтисодий ва тарихий шарт-шароит-ларини ҳисобга олмай кўриб чиқилган. Иккинчидан эса, бу аҳоли жойлашувини табиий-иқлимий, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва аҳолининг этник хусусиятларини ҳисобга олмай стандартлашти-рилишдир. Доксиадис ўз ғоясини Покистоннинг янги пойтахти Исломобод шаҳри бош режасида амалга оширди, шунингдек унинг ғояси Суданнинг пойтахти-Хартум шаҳрини лойиҳалашда ўз аксини топди.

Собиқ шўролар мамлакатада бундай мавзулар билан шуғулланиш 1970-80-йилларда авж олган бўлиб, Г.М.Лаппо, В.Г.Давидович, Ф.М.Листенгурт, П.М.Полян, О.К.Кудрявцев, А.П.Бурьян, А.Г.Вишневский, В.В.Покшишевский, В.А.Скутин, Б.С.Хорев каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. XX аср охиридаги Ўтиш даври хос бўлган МДХ давлатлари, хусусан Ўзбекистонда йирик шаҳар ва шаҳар агломерациялари бозор ислохотларини амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда З.М.Акрамов (1964), Аҳмедов(2002), С.С.Зокиров(1996), Т.Н.Маллабоев(1982), Т.И.Раимов(1964) З.Х.Райимжонов(1992), О.Б.Ота-Мирзаев(1985), А.С.Солиев(1984-2002), Р.Н.Тиллаев(1975), А.А.Қаюмов(1994), Х.Т.Турсунов (1994) Ш.Ж.Асқаров ва бошқалар шаҳарлар ривожланиши ва

аҳоли манзилгохлари ҳудудий тизимларининг ривожланиш хусусиятларини ўрганишга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Шаҳар агломерацияси - Шаҳарлар ва аҳоли жойларининг марказий шаҳар атрофидаги тартибсиз тўплами. Шаҳар агломерациялари иқтисодий географик жihatдан Н.Маматқулов томонидан Самарқанд агломерацияси мисолида тадқиқ этилган(1978) бўлса С.К.Таштаева томонидан Тошкент агломерацияси ўрганилган.” Тарихий босқичлар таҳлиллари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳудудида шаклланган ва шаклланаётган аҳоли жойлашуви ҳудудий тизимлари ривожланган деҳқончилик туманларида, қишлоқлар негизида таркиб топган. Мазкур тизимлар ўзининг шаклланганлик ва ривожланганлик даражасига кўра турлича бўлиб бир қанча типларга ажратилади: “Ривожланган” -Тошкент агломерацияси, “шаклланган” Фарғона-Марғилон, Самарқанд, Андижон агломерациялари, “шаклланаётган”лар қаторига Наманган, Нукус, Урганч, Қўқон, Навоий, Бухоро, Қарши, Ангрен-Олмалиқ агломерациялари киради”. Ю.К.Акопжян, Ф.Ф.Бакирхонов, М.Г.Лифановская, Х.К.Турсуновлар эса ушбу муаммога шаҳар қурилиши ва архитектураси нуқтаи назаридан ўрганишган. Лекин янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитлардан келиб чиққан ҳолда республика миқёсида шаҳар аҳоли яшаш тизимларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари кам ўрганилган.Айниқса Қуйи Амударё минтақасидаги шаҳарларнинг ўсиши ва ривожланиш жараёни кам ўрганилган масалалардан биридир. К.М.Молутов томонидан Қорақалпоғистонда архитектура ва шаҳарсозликнинг ривожланиши йуллари ўрганилган(1990) бўлиб бу ҳақда у ”Қорақалпоғистонда аҳолини жойлаштириш бўйича марказлар тизими”ни схематик тарзда кўрсатиб берган. “Қорақалпоғистон Экстремал табиий-иқлим шароитига эга бўлиб Ўзбекистоннинг шимолий-шарқида, Қорақум ва Қизилқум чўллари орасида, шунингдек Устюрт платосида жойлашган бўлиб, табиати Респуб ликанинг бошқа вилоятларидан бутунлай фарқ қилади. Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик вазият табиий шароитларни янада қийинлаштиради. Шунинг учун шаҳарсозлик лойихалаштириши жараёнида табиий-мухит таъсирини тўғри ва ҳар томонлама ҳисобга олиш керак.”деган фикрни илгари сурган. Жумладан Урганч шаҳри агломерацияси ривожланиши илмий жihatдан кам ўрганилган бўлиб асосан амалий жihatдан 1939-40 йилларда бош режа А.И.Ванке ва А.П.Балахонов томонидан ишлаб чиқилган. «Ўз шаҳарсозлик ЛИТИ» мутахасислари Е.И.Аксентон, Т.З.Зияев ва К.М.Абросимова томонидан(1979) бош режа қайта лойихалаштириш жараёнида ўрганилган. Улар шаҳар режасини яхшилаш ва қуриш учун бир қатор таклифлар беришган. Уларни мақсади шаҳарни нафақат вилоятни маъмурий-хўжалик маркази сифатида замонавийлаштириш, балки халқ хўжалигининг туризм тармоғига ҳам этиборни кучайтириш эди. Ҳозирги кунда

Урганч шаҳрининг 20 йга мўлжалланган бош режаси ишлаб чиқилиши асосида амалиётчи архитекторлар (“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ”) Н.Комарова ва Н.М.Дементьева томонидан шаҳарсозлик ва кўкаламзорлаштириш масалалари ўрганилмоқда.

Н.М.Дементьева “шаҳар муҳити экологиясини ҳозирги ҳолатини комплекс баҳоловчи шаҳар харита”сини ишлаб чиқиб шу асосида шаҳар экологиясини яхшилаш усули ғояси асосида ўрганмоқда. “Табиий-иқлимий омиллар, шунингдек биноларнинг очиқ ва бўш жойлашиши шаҳар иссиқ режимини шакллантиради” дейди у мақоласида. Республикамиз мустақилликка эришгач ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қатор ўзгаришлар юз берди, шаҳарларга бўлган муносабат ва ёндошувлар ҳам ўзгарди. Жумладан, 90 - йилларга қадар шаҳар агломерациялари вужудга келишининг негизини саноат ишлаб чиқариши ташкил этиб, мақсад энг аввало иқтисодий самара олишга қаратилган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларга бўлган муносабатлар ўзгача тус олди. Турли соҳалардаги эркин рақобат, ер ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, кичик шаҳар ва шаҳарчаларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, ягона меҳнат бозорини ташкил этиш каби муаммоларни изчил ҳал қилиш шаҳар агломерацияларига янгича қарашни талаб этади.

Мамлакат иқтисодиётининг юксалишида хорижий сармояларнинг асосий ўрин эгаллаши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши, хусусийлаштириш жараёнининг бориши, уй-жой нархларининг кескин ортиши, ердан фойдаланишда бозор муносабатларининг кириб келиши ва бошқа омиллар катта шаҳарларда ўзига ҳос бозор муҳитини шакллантирмоқдаки, уларни янги иқтисодий ва ижтимоий шароит нуктаи назаридан ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мана шу тадқиқотлар асосида биз Ўзбекистон Республикасидаги катта шаҳарлар агломерациясининг шаклланиш қонуниятлари, Урганч шаҳри агломерациясининг пайдо бўлиши унинг Хоразм вилояти ва Қуйи Амударё аҳоли пунктларининг ривожланишидаги шаҳарсозлик масалаларини илмий таҳлил қилиб чиқдик.

1.1. Замонавий шаҳарлар урбанизациялашуви жараёнлари.

Аҳоли жойлашуви ҳар доим табиий-иқлимий омилларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун аҳоли жойлашувини жамият ва табиатнинг ўзаро таъсиридаги муҳим фазовий шаклларида бири деб ҳисобласак бўлади.

“Ер юзида илк аҳоли манзилгоҳлари бундан 10-12 минг йил олдин, одамлар деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганларида пайдо бўлди. Аниқланишича бу манзилгоҳларда 100-150 кишидан ошмаган гуруҳлар бир биридан 3-5 км узоқликда деҳқончилик қилиш қулай бўлган жойларда истиқомат қилишган. Минг йиллардан буён аҳоли жойлашуви элементлари экстенсив равишда ривожланиб борди. Бунга сабаб аҳоли сонининг ўсиши ва худудларнинг инсон томонидан ўзлаштирилишидир. Худудий меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши натижасида Эрамиздан олдинги III минг йилликларда илк шаҳарлар вужудга келди. Қадимги дунё шаҳарлари – Ҳокимият, савдо-сотиқ, диний ва маданият марказлари сифатида гуллаб яшнаган. Жумладан, Бобил ва Мемфис шаҳарларида 80 минг аҳоли, Афинада - 300 минг, Карфагенда – 600 минг, Октавиан Август даврида Римда 1 млн. дан ортиқ аҳоли истиқомат қилган. Бироқ бу шаҳарлар структураси бошқача бўлган. Уларни бугунги шаҳарларга қиёслаб бўлмайди, шаҳарлар қишлоқ хўжалиги билан яқин алоқада бўлган. Шаҳарлар яқин жойлашган қишлоқлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ва бу ерларда маҳаллий аҳоли жойлари гуруҳлари ва ареаллар шаклланган. Ўрта асрларда мустаҳкам ҳимоя иншоотлари билан ўралган янги типдаги шаҳарлар – қалъа-шаҳарлар пайдо бўлди. Савдо йуллари чорраҳасидаги таянч марказлар вақт ўтиши билан сиёсий, маъмурий ва хўжалик марказларига айланишди. Европа ўрта асрлар шаҳарлари аҳолиси сони бўйича Қадимги Шарқ ва антик шаҳарларга ета олмаганлар ва камдан-кам ҳолларда бир неча ўн минг кишидан ошарди. Жумладан Лондон ва Париж XIV асрда 100 ва 300 минг кишига эга эди ҳолос. Ўрта асрларда биринчи агломерациялар - худудий яқин ва бир-бирига боғлиқ гуруҳли аҳоли яшаш жойларида ўзига яқин жойлашган қалъалар таъсири остида шаклланган. Чунки бу қалъалар атрофдаги аҳоли учун ҳимоя вазифасини ўтаган. XVIII асрда Варшавада иккита шаҳар ягона агломерация сифатида шаклланган бўлиб Ўрта асрларда қурилган, қалин деворлар билан ўралган. XVII ва XVIII асрларда Англия текстил саноати марказлари ҳам ўзининг кенг худудлари билан, асосий шаҳар атрофида жойлашган қишлоқчалар билан ўралган бўлиб аҳоли деҳқончилик билан, шунингдек мато ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланган. Яхлит «Агломерациялар» Германияда, Россияда марказий саноат районида текстил фабрикали қишлоқлар асосида ва кўплаб бошқа мамлакатларда

шаклланди. Аҳоли жойлашувини янги босқичлари капитализмнинг ривожланиши натижасида юзага келди. Саноат ишлаб чиқаришидаги ютуқлар шаҳарларнинг тезлик билан ўсишига туртки бўлди. Хорижда 1800й. Лондон аҳолиси миллион кишидан ошди, шунингдек 1850й. Париж миллионер шаҳарга айланди, ҳуллас XX аср бошига келиб дунёда 12 та миллионер шаҳар бор эди. Худудларда шаҳарлар аҳолисининг зичлиги юқори бўлган Англия, Белгия, Голландия, Германиянинг баъзи бир туманларида шаҳарларнинг бир-бирига таъсирининг ошиши натижасида агломерациялар шаклланди.

Саноатдаги инқилоблар юқори даражадаги урбанизацияга – шаҳарларнинг ва шаҳар аҳолисининг жаъдал ўсишига имкон берди»¹.

Жумладан «Озорбайжоннинг пойтахти бўлган Баку шаҳрини оладиган бўлсак асосий 4 та ривожланиш босқичига бўлишимиз мумкин:

- 1) 1900-1920 йиллар. Капиталистик босқич – «Баку нефтчилар райони» Абшерондаги аҳоли жойларининг янги шакли сифатида кўрилди;
- 2) 1921-1940 йиллар. – Урушгача бўлган шўролар даври босқичи – Бакунинг бош режаси асосида 1927й. проф. А.П. Иваницкий, 1934й. проф. В.Н. Семенов, 1937й. проф. Л.И. Ильин, Абшеронда аҳоли жойлашуви ва янги ишчилар поселкасининг умумий масалалари ҳал этилди;
- 3) 1941-1990 йиллар. – Урушдан кейинги босқич – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичида шаҳарсозликнинг созловчи роли кўзга ташланади, шаҳар ташкил қилувчи базасининг ва аҳоли сонининг, фуқаро уй-жой қурилиши ҳажмининг юқори темпига эга бўлган Сумгайит шаҳрининг пайдо бўлиши характерлидир.
- 4) 1991-2000 йиллар. – Замонавий босқич – бу даврда жамоатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти ўзгариши билан характерланади, бозор иқтисодининг ташкил топиши, Бакунинг пойтахтлик функциясининг кучайиши Баку агломерациясининг фазовий-тархий таркибида трансформацияни вужудга келтиради»².

Урбанизация – жамоат ривожланишида шаҳарлар ролининг ошиш жараёни бўлиб, унинг белгилари – шаҳарда индустриянинг ўсиши, унда маданий ва сиёсий вазифаларнинг ривожланиши, меҳнатни ҳудудий тақсимлашни чуқурлашиши. Урбанизация учун қишлоқ аҳолисини шаҳарга келиш оқими ва қишлоқ атрофларидан, яқиндаги кичик шаҳарлардан йирик шаҳарларга аҳоли кўчишининг маятник бўйича ҳаракати ўсиши характерлидир.


«Урбанизация – кўп томонлама жараён бўлиб, жамиятнинг иқтисодий ва илмий салоҳиятининг ривожини билан, касбий малакавий таркиби, аҳолининг

¹ З.Н.Яргина ва бошқалар. Основы теории градостроительства. М. «Стройиздат» 1986, 40-41-бет.

² С.Х.Дадашева. «Структурно-планировочное развитие Бакинской агломерации населенных мест». Баку. Тип. АзТУ. 2005, 6-7-бет.

Илмий-техникавий ютуқлар ҳозирги кунда урбанизация жараёнини характери­ни ўз­гар­тир­моқ­да, би­рин­чи ў­рин­га ало­хи­да ша­ҳар­лар­нинг ў­си­ши э­мас, бал­ки аг­ло­ме­ра­ция­лар­нинг ў­си­ши қўй­ил­моқ­да. Ур­ба­ни­за­ция жараёни қишлоқ ер­ла­ри­га ки­риб бор­моқ­да ва бу­тун бир аҳоли яшаш ҳудуд­ла­ри­ни эгал­ла­моқ­да. Бу э­са қи­шлоқ аҳо­ли­си­нинг и­ши­ни ўз­гар­тир­моқ­да, улар энди ин­ду­стри­ал кор­хо­на­лар­да иш­ла­моқ­да бу билан улар­нинг тур­муш тар­зи бу­тун­лай ўз­гар­моқ­да.

Моноцентрик агломерация схемаси



13

шаклланган. Агломерацияда умумий ишлаб чиқариш, маиший жараёнлар содир бўлади ва алоҳида ҳудудлар ва марказий ядро билан аҳолининг меҳнат ва маданий-маиший алоқалари маятник тарзида намоён бўлади. Агломерация 3та зонага бўлинади – марказий зона, ўрта ва ташқи зона бўлиб, аҳолининг қишлоқ хўжалигида банд бўлмаган қисмини ташкил этади. Моноцентрик агломерация ягона организм каби, марказга йўналган алоқалар ва аҳолининг ва ҳудуднинг иерархик таркибини ўзида намоён қилади. Ядро шаҳарлар комплекси, мустақил ва «бир текис» ривожланиш хусусияти билан ажралиб туриб, уларнинг ўсиши ҳудудий яқинлашишга олиб келади, натижада полицентрик агломерациялар шаклланади. Полицентрик агломерацияларга мисол қилиб Донецк-Приднепровск, Кузбасс, Рур ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Шундай қилиб урбанизация жараёнининг замонавий босқичида ишлаб чиқариш ва аҳолининг концентрацияси алоҳида ва янада ривожланган марказларда ўзининг характериini ўзгартиради. Ривожланган давлатларда агломерация доирасида аҳолининг децентрализация жараёни содир бўлади, баъзи ҳолларда бу бутун мамлакат миқёсида вужудга келади. Урбанизация жараёни кескин концентрация характерига эга бўлади, бу ҳолат содир бўлганда эса аҳоли ҳудуд бўйича анча текис жойлашади»³. Жаҳон урбанизацияси кейинги йилларда жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 50 фоиздан ортиқроғи шаҳарларда яшайди. Замонавий урбанизация жараёнининг асосий хусусиятлари шундаки, глобал тараққиётни «дунёвий шаҳарлар» ва шаҳар агломерациялари белгилаб бермоқда. Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда Шаҳар агломерациялари аҳоли ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг асосий шакли сифатида нафақат мамлакат, балки йирик геосиёсий минтақалар ва ҳатто жаҳон миқёсида ўзига хос «ўсиш қутбларига» айланмоқда.

“1953 йили грек шаҳарсози К.Доксиадиснинг шаҳар концепцияси машҳур бўлди. У келажак шаҳарининг ва янги фани – Экистика нинг (инсон аҳоли жойлари ҳақидаги фан) назарий асосларини таърифлаб берди. Бу фан инсоннинг ҳаёт эҳтиёжлари учун улкан маконларни ташкил этиш муаммоларини қамраб олади. Доксиадис томонидан илгари сурилган, кўринишидан янги ва ҳатто экстравагант туюлган шаҳарларнинг ягона мегаполисга бирлашиб кетиши, тезликда ўзининг янги туғилиб келаётган экологик ҳолати олдида қолоқлигини кўрсатди.

Шунга қарамай, биз бугунги кунда бутун дунёда агломерациялар пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида етарли далилларга эгамиз”. Доксиадиснинг

³ З.Н.Яргина ва бошқалар. Основы теории градостроительства- М. «Стройиздат» 1986, 42-бет.

“келажак аҳоли жойлашуви ғояси”ни кўриб чиқамиз. ХХІ аср охири келажак шаҳари муаммосини тадқиқ қилиб, Доксиадис «эгуменаполис» - шаҳарларнинг гигант агломерацияларга ўсиб ўтиши шаклидаги келажак аҳоли жойла-шуви назариясини олдинга сурди. Доксиадис ўзининг келажак шаҳри назарий асосларида вақт омилини (тўртинчи ўлчов) асосий деб тан олади. У моноцентрик режали динамик шаҳар ғоясини таклиф қилади, у шаҳарнинг ўсишида бир томонлама ривожланувчи чизиқли тузилмага айланади. Доксиадис томонидан шаҳар эволюцияси қуйидагича тасвирланган: “ўтмиш статик шаҳри шаҳар туманларини қайта қуриш орқали замонавий шаҳарга айланади ва шундай қилиб унинг маркази рақ ярасига ўхшаб катталашади. Бу ҳолни тўғрилашнинг ягона йўли – шаҳар табиий ўсишининг шундай ечимини қидириш керакки, унда кейинги элементлар ривожлана туриб, мавжудларини йўқ қилиб юбормаслиги керак, яъни, шаҳарнинг бутун худуди ва марказининг аста-секин, тўсиқсиз ривожланиши кузатилади”.

Доксиадис назарияси бўйича “динамик шаҳар маркази таркиби унинг доимо ўсиши талабларига жавоб бериши керак. Марказ илгари танланган ўқ бўйича эркин ривожланиши лозим, унда аввал шаҳарнинг марказий ядроси жойлашади, у кейинчалик бир йўналишда ривожланади”.

Доксиадис бўйича шаҳар ўз ривожланишида тўртта босқичдан ўтади. Булар “«динаполис» (бир йўналишда ривожланувчи моно-центрик шаҳар) ва «динаметрополис» (бир нечта «динаполис»ларнинг параллел ривожланиши)дан «динамегаполис» (гигант-шаҳар-ларнинг ривожланиши) ва шаҳар тузилмасининг охириги босқичи – «экуменополис» бўлиб, бу ер шари бутун қитъаларини қоплаб олган шаҳарлар кўринишидаги бир текис ва мувозанатли аҳоли жойлашуви шакли”.

Доксиадис динамик шаҳар назариясига асосан “экуменополис босқичининг статиклиги қарама-қаршидир, унда шаҳар ўсиши, тўла мувозанатга етгач, тўхтади”. Бу ғоянинг биринчи салбий томони –шаҳарнинг ривожланиш қонуниятлари ёки бу мамлакатда шаҳарсозликнинг ижтимоий, иқтисодий ва тарихий шарт-шароит-ларини ҳисобга олмай кўриб чиқилган. Иккинчидан эса, бу аҳоли жойлашувини табиий-иқлимий, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва аҳолининг этник хусусиятларини ҳисобга олмай стандартлаштирилишидир”⁴.

1.2. Ўзбекистонда ҳудудий аҳоли жойлашуви тизимларининг шаклланиши.

“Республика ҳудудида турли табиий-иқлимий, социал-иқтисодий омиллар таъсирида, қулай географик ўринда, аҳоли зич тўпланган интенсив деҳқончилик районлари, тоғ дарёларининг конуссимон ёйилмалари, тоғолди ва оралиғи текисликлари, саноат ва транспорт тугунларида аҳоли жойлашувининг ҳудудий

⁴ Д.У.Исамухамедова, Л.А.Адилова. Шаҳарсозлик асослари ва Ландшафт архитектураси. Т.2009. 144-бет.

тизимлари вужудга келган. Бу жараён узоқ даврлар давомида суғорма деҳқончилик асосида қишлоқларнинг шаклланиши, улар негизида шаҳарларнинг ўсиб чиқиши, йирик шаҳар таъсир доирасида йўлдош шаҳар манзилгоҳларининг ҳамда ҳудудий урбанистик тизимларнинг вужудга келиши каби бир неча босқичлардан иборат. Мамлакатимиз табиий шароити ва ундан фойдаланиш даражасидаги минтакавий хусусиятлар аҳолининг нотекис жойлашишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда аҳолининг ўртача зичлиги 1 кв км майдонга 62,2 киши (2010 й.). Аҳоли асосан қулай табиий географик шароитга эга бўлган ҳудудларда, яъни сув манбаларига яқин кўп меҳнат талаб қилувчи деҳқончилик ривожланган водий ва воҳаларда анча зич жойлашган. Қадимдан ўзлаштирилиб келинган Фарғона, Чирчиқ-Оҳангарон ва Зарафшон водийлари, шунингдек, Хоразм воҳаси шулар жумласидандир. Тарихий босқичлар таҳлиллари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳудудида шаклланган ва шаклланаётган аҳоли жойлашуви ҳудудий тизимлари ривожланган деҳқончилик районларида, қишлоқлар негизида таркиб топган. Мазкур тизимлар ўзининг шаклланганлик ва ривожланганлик даражасига кўра турлича бўлиб, бир қанча типларга ажратилади: **“ривожланган”** – Тошкент агломерацияси, **“шаклланган”** - Фарғона-Марғилон, Самарқанд, Андижон агломерациялари, **“шаклланаётган”**лар қаторига Наманган, Нукус, Урганч, Қўқон, Навоий, Бухоро, Қарши, Ангрен-Олмалик агломерациялари киради. Улардан ташқари, Термиз, Шаҳрисабз, Жиззах каби йўлдош шаҳарлар зонаси сустривожланган, истикболда агломерация сифатида шаклланиши мумкин бўлган тизимлар ҳамда етакчи шаҳарлари иқтисодий-ижтимоий, маданий-сиёсий салоҳиятига ва аҳоли сонига кўра талаб даражасида бўлмаган нисбатан кичик ҳудудий тизимлар (Денов, Гулистон, Каттакўрғон, Бекобод ва б.) шаклланмоқда. Ушбу тадқиқотда мазкур тизимлар ичида юқори даражада такомиллашган тизимлар – шаклланган ва шаклланаётган шаҳар агломерацияларига асосий эътибор қаратилган. Улар республика ҳудудининг 10 фоизини эгаллагани ҳолда шаҳар аҳолисининг 70 фоизи тўпланган, саноат ишлаб чиқаришини 74 ва экспортининг 79 фоизини беради. Республикада агломерациялашув жараёни 1960-йиллардан бошланиб, ҳозирги кунгача Тошкент, Наманган, Андижон, Самарқанд агломерацияларининг йўлдош шаҳарлари сони 2,5 - 3 марта кўпайди. Шаҳар аҳолиси сони Андижон, Наманган агломерацияларида 4 марта, Тошкент, Самарқанд агломерацияларида деярли 2,5 марта ортган. Демографик кўпайиш айниқса Қарши (11,5 марта), Нукус (8,3 марта) агломерацияларида жуда юқори бўлиб, марказий шаҳарнинг тез ўсиши ҳисобига рўй берди. Агар 1959 йилда шаҳар агломерациялари сони мамлакатимизда 5 та ва уларда 26 та йўлдош шаҳар ва 1.7 млн. шаҳар аҳолиси мавжуд бўлган бўлса, 2010 - йилда бу кўрсаткич, мос ҳолда, 12 та, 126 та ва 7.5 млн. шаҳар аҳолисини ташкил этди. Мазкур тизимлар 90- йилларга қадар саноат ишлаб чиқариши, транспорт инфратузилмаси,

республикада жадал борган демографик жараён ва шаҳарлар тўридаги силжишлар билан боғлиқ ҳолда ривожланди, хусусан, Тошкент, Фарғона-Марғилон, Самарқанд агломерациялари тез ўсди. Бозор муносабатлари шароитига ўтилиши билан мамлакатда рўй берган ўзгаришлар натижасида, асосан йирик ва оғир саноат ишлаб чиқариши негизида шаклланаётган агломерациялар инқирозга учради. Сўнгги даврларда уларнинг айримлари янги омиллар таъсирида ривожлана бошлади, жумладан, Тошкент агломерацияси ижтимоий соҳалар ва миллий пойтахтлик функцияси - илм-фан, таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, бошқарув, банк-молия, кредит, халқаро дипломатик муносабатлар, сервис хизмати, тадбиркорлик каби соҳалар асосида, Самарқанд агломерацияси - таълим, маданий-маиший (туризм, бозорлар), коммунал-хўжалик тармоқлар орқали ривожланиши кузатилди. Мустақиллик йилларида эркин иқтисодий муносабатлар шаклланишида янги зоналар шаклланди. Масалан, тоғ-кон саноати ва аэропорти базасида эркин иқтисодий индустриал зона – Навоий агломерацияси, шунингдек, ирригация машинасозлиги ва автомобилсозликка ихтисослашиб бораётган Андижон шаҳарлар тизими ҳам шаклланмоқда. Айни вақтда Нукус, Урганч, Наманган, Қўқон, Қарши агломерациялари тараққиётида аграр-индустриал йўналишлар устунлик қилади ва таркибини 50-60 фоизини қишлоқлар ташкил этади. Гарчи саноат ишлаб чиқариши ҳиссаси кейинги даврда пасайиб борган бўлсада, у муҳим шаҳар ва уларнинг тизимларини ҳосил қилувчи омил ҳисобланади. Шаҳар агломерациялари мамлакат миллий саноатининг асосий марказлари бўлиб, бу ҳудудларда республика саноат ишлаб чиқаришининг 74фоизи яратилади. Бунда айниқса Тошкент, Навоий, Ангрен-Олмалик, Самарқанд, Фарғона-Марғилон агломерацияларининг улуши юқори. Саноат тармоқларининг ўзаро уйғунлашуви, бир-бирини тўлдирувчи хусусиятларини ҳам айнан шу иқтисодий маконда кўриш мумкин. Бироқ, айрим агломерацияларда, масалан, Наманганда унинг маркази ва йўлдош шаҳарлари ҳам кўпроқ енгил саноатга ихтисослашган. Бундай ҳолат Бухоро, Урганч, Қўқон агломерацияларида ҳам кузатилади. Шаҳар агломерацияларининг аксариятида уларнинг марказлари асосий саноат ишлаб чиқаришини таъминлайди. Уларнинг саноат тармоқлари бўйича тизим ҳосил қилувчи ролини саноатнинг мужассамлашув коэффиценти, унда банд аҳоли, саноат корхоналари сони ва ялпи маҳсулотини баҳолаш натижалари кўрсатишича, саноат салоҳияти Навоий, Олмалик шаҳарларида энг юқори, Чирчиқ, Фарғона шаҳарларида юқори, Самарқанд, Андижон, Бухоро каби шаҳарларда ўрта, қолган барча шаҳарларда эса паст даражаларга эга. Бу ўз навбатида тизим ҳосил қилиш кучининг заифлигини билдиради. Йирик шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг функционал ривожланиши уларнинг иқтисодий географик ўрнига боғлиқ бўлади, ҳудудий тузилиши ва йўналишини белгилаб

беради”⁵.

“Республиканинг қулай табиий шароитларга таянган ҳолда пахта етиштиришга ихтисослашганлиги асосан замонавий қишлоқ ва шаҳар аҳоли жойлашувини шакллантиришни белгилайди. Шунга кўра, эски суғориладиган пахтакорлик ҳудудларида аҳоли истиқомат жойларининг зич жойлашув ареаллари пайдо бўлган, янги қишлоқ хўжалик ҳудудларида эса – ўзига хос аҳоли жойлашув турлари пайдо бўлди. Чўл ва тоғ ҳудудларида аҳоли истиқомат жойларининг сийрак турига эга. Шундай бўлсада, йирик фойдали қазилма конларининг мавжудлиги бу ерларда шаҳар аҳоли жойлари пайдо бўлишига имкон беради – бу ерларда қазилма саноати марказлари Маржонбулоқ, Муборак, Учқудуқ ва бошқалар пайдо бўлди. Саноатни бошқа соҳаларининг ривожланиши ҳам шаҳар жойларининг ўсишига шароит яратади. Шаҳарларнинг мана шундай авж олиб ривожланишига қарамай шаҳар манзилгоҳларини ташкил этиш учун заҳиралар имконияти ҳали анча юқори. У иқтисодий ва маданий имкониятлари айрим қишлоқ хўжалик корхоналари доирасидан чиққан анча кенг тарқалган қишлоқ аҳоли жойларидан иборат бўлиб, улар аҳолисининг кўп қисми қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланмайди. Мана шундай қишлоқлардан 50 тага яқини 5 минг ва ундан юқори аҳолига эгадир, уларнинг 30 тага яқини Фарғона водийсининг аҳоли зич жойлашган ҳудудларига тўғри келади. Бундай қишлоқлар аста-секин шаҳарларга айланиб боради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда шаҳарларнинг кўпчилигини аҳолиси 50 минггача бўлган шаҳарлар ташкил этади. Кичик шаҳарларда республика шаҳар аҳолисининг чорак қисми истиқомат қилмоқда ва шу ерларда саноат корхоналарини жойлаштириш орқали уларни фаоллаштириш вазифасини ғоят долзарб қилиб қўймоқда. Кичик шаҳарларни фаоллаштиришга, шунингдек аҳолининг тарихий анъаналаридан келиб чиққан меҳнат малакаларини ҳунармандчилик ва уй меҳнатини ривожлантириш ҳам ёрдам бериши мумкин.”⁶

“Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг ҳозирги аҳволи урбанизациянинг умумий даражасини кейинчалик ўсишини тезлашиши асосида аҳоли жойлари тармоқларини янада мукаммаллаштириш жиддий муаммосини, республиканинг ишлаб чиқариш кучларини узоқ муддатга ривожлантириш ва жойлаштириш концепцияси билан ўзаро узвий алоқада бўлган аҳоли жойлаштириш тизимини яратишни ўртага қўймоқда (2-расм).

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кучли ривожланиши ҳудудда ишлаб чиқариш

⁵ С.К.Таштаева. Ўзбекистон шаҳар агломерацияларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари. Т. «М.Улуғбек номли Ўз.М.У босмахонаси».2011й.

⁶ Латипов Д.В, Мирзаев М.К. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлиги асослари . Т.Ўз.Р.Д.М.қўмитасининг Тошкент китоб журнал фабрикаси 2000. 9-бет.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳоли жойлашуви тузилмаси.

кучларини оқилона равишда жойлаштиришни талаб этмоқда. Унинг асосида ижтимоий меҳнатни тежашга интилиш ётади. Аҳоли жойлашувининг янги тизими шу масалани ҳал этилишига боғлиқ. Бу янги шаҳарлар пайдо бўлиши ва кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланиши жараёнини кучайтиради. Саноатнинг бир меъёрга жойлашуви йирик шаҳарлардаги кейинги аҳоли тўпланишидан халос этади. Саноатни оқилона жойлаштириш ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаҳар ва қишлоқ орасидаги фарқнинг тугатилишига ёрдам беради. Халқ хўжалигини ривожланиш истиқболлари ишлаб чиқариш ривожланишнинг объектив қонунийлиги ҳисобланган ишлаб чиқариш кучларини режага мувофиқ ва оқилона жойлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунга иқтисодий қонунларга асосланган тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш билан эришилади. Уларга қуйидагилар киради:

а) саноатни хом ашё ва энергия манбаъларига, шунингдек маҳсулот истеъмоли туманларига яқинлаштириш тамойиллари;

б) хўжалик оборотига энг бой ва ўзлаштириш ҳамда эксплуатация қилиш шароитлари бўйича қулай, қисқа вақтда энг кўп халқ хўжалик эффектини берувчи табиий ресурсларни биринчи навбатда жалб этиш тамойили;

в) республиканинг ҳар бир туманини комплекс ривожлантириш ва тўғри ихтисослаштириш тамойили, бунда туманнинг асосий ихтисослашуви бу туманда ривожланишнинг энг қулай шароитларига эга бўлган соҳа бўйича белгиланади;

г) хом ашёдан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқаришни комбинациялаш ва корхоналарни гуруҳли жойлаштиришга асосланган халқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишни яхшилаш, бу муҳандислик ускуналарининг барча турлари бўйича кооперациялаш имконини беради;

д) республиканинг ҳамма туманлари иқтисодий ривожланиши савиясини тобора мувофиқлаштириш тамойили.

Техника тараққиёти қимматбаҳо хом ашё ва ёнилғи-энергетик заҳираларга эга бўлган, етиб олиш қийин бўлган ҳудудларни ўзлаштиришнинг янги имкониятларини очмоқда. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва аҳоли жойларини жойлаштириш – бу бир-бирига боғлиқ бўлган жараёнлардир. «Аҳолини жойлашуви тушунчаси ишлаб чиқариш жойларига, транспорт линияларига, табиий муҳитга ва бир-бирига нисбатан у ёки бу халқ хўжалиги функцияларини бажарувчи, турли катталиқдаги аҳоли жойлари тармоғининг жойлашувининг ҳамда аҳолининг улар ҳудудида жойлашувини билдиради. Шундай қилиб, аҳоли жойлашуви муаммоси республика барча аҳоли жойлари тармоғини ўзгартириш ва ривожлантиришдан тортиб, аҳолини алоҳида аҳоли пунктлари ичида жойлаштиришгача бўлган кенг масалалар доирасини камраб олади. Истиқомат жойларининг меҳнат жойлари билан ўзаро алоқаси характеридан келиб чиққан ҳолда аҳоли жойлашувининг учта тури мавжуд: қишлоқ, шаҳар ва аҳоли жойлариаро.

Аҳоли жойлаштиришнинг посёлок тури истиқомат жойининг битта асосий меҳнат жорий этилган жой билан энг оддий алоқаси орқали белгиланади. Бу ерда аҳоли жойлаштириш қулайликларини белгиловчи – уй-жойнинг асосий иш жойига яқинлик қонуниятлари амалда бўлади. Аҳоли жойлаштиришнинг қишлоқ тури кичик аҳоли турар жойлари учун характерли ва қишлоқ хўжалик ҳудудлари учун ҳосдир.

Аҳоли жойлаштиришнинг шаҳар тури меҳнат алоқаларининг мураккаб тизими билан белгиланади. Ҳар бир квартал, микрорайон ва тураржой ҳудуди бир нечта меҳнат жойлари билан боғланиб туради. Бундан ташқари, аҳоли жойлаштиришнинг шаҳар тури қуйидаги формулаларда берилган ўз қонуниятларига эгадир: тураржой – меҳнат жойлари – умумшаҳар миқёсидаги хизмат кўрсатиш жойлари. Бунда асосий қонуниятни кўрсатиш мумкин: меҳнаткашларни шаҳарнинг ҳар қандай қисмида жойлашуви эҳтимоли иш

жойларининг сони ва ҳажмига тўғри пропорционал ва улардан узоқлашган вари камаяди. Шаҳар маркази қатнов маркази сифатида алоҳида ўринни эгаллаб туради.

Аҳоли жойлаштиришнинг аҳоли жойлариаро тури истиқомат жойларининг алоқасини нафақат шу берилган аҳоли пунктида, балки бошқа аҳоли пунктларида ҳам меҳнат алоқаларини ўрнатишни белгилайди. Бундай тур йирик шаҳарлар ва уларнинг шаҳар олди ҳудудлари учун характерлидир. Хўжаликни комплекс равишда ривожлантириш ва маданият ўсишига мувофиқ шаҳар вазифаларининг мураккаблашуви ва уларнинг йириклашуви юз беряпти. Кейинчалик эса бу барча шаҳарларнинг кўп вазифалилигига ва кичик шаҳарлар нисбий сони камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Шаҳарлар ўсиши уларнинг гигант шаҳарларга айланиши сабабларини тугатишни ҳисобга олган ҳолда тартибга солиниши лозим. Мавжуд йирик шаҳарларнинг янада ўсишини чегаралаш учун уларда янги саноат қурилишларини ман этишга ва бу қурилишларни кичик ва ўрта шаҳарларда жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш лозим. Мавжуд шаҳарлар атрофида янги саноат комплексларини пайдо бўлиши аҳоли жойлашувининг гуруҳли шакллари кўллаш заруриятини туғдиради, яъни мавжуд марказлар билан меҳнат ва маданий-маиший алоқалари орқали бирлаштирилган аҳоли пунктларининг ҳудудий гуруҳлари шакли. Шу йўсинда агломерация деб аталмиш шакллар вужудга келади. Марказлар қанчалик йирик бўлса, уларда йўлдошлар шунчалар кўп бўлади ва аҳоли жойлаштириш шакли шунчалар мураккаб бўлади. Йирик агломерациялар катта ривожланишга эришдилар. Бироқ, ишлаб чиқариш кучларининг бир маромда ривожланиши учун нафақат йирик шаҳарлар ўсиши, балки меъёрдан ташқари ўсиб кетган агломерациялар, шу жумладан Тошкент (Тошкент, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари) агломерацияси ўсиши чегараланиши лозим”⁷.

“Шаҳаролди ва шаҳарлараро транспортнинг ривожланиши аҳоли жойлашуви ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш радиусларининг тўхтовсиз ўсишига олиб келади. Техника ва иқтисодиёт жараёни ҳудудларни қайта ташкил этиш имкониятларини кенгайтормоқда. Бу эса ҳозирги вақтда яроқсиз бўлган ҳудудларни ишга солишга ёрдам бермоқда, бу аҳоли жойлашуви тизимини сезиларли даражада яхшилади.

Республика ва йирик иқтисодий туманлар халқ хўжалик комплекслари асосида регионал аҳоли жойлашуви тизимлари шаклланади. Бу тизимларнинг

⁷. Латипов Д.В, Мирзаев М.К. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлиги асослари . Т. Ўз.Р.Д.М.қўмитасининг Тошкент китоб журнал фабрикаси 2000. 10-бет.

маркази бўлиб, пойтахт шаҳарлар, вилоятларнинг марказлари хизмат қилади. Регионал аҳоли жойлашуви тизими аҳолининг илмий ва маданий фаолиятига, махсус таълим, улкан ва юқори ихтисослашган хизмат кўрсатишни (савдо-маиший, медицина ва ҳ.к.) олишга узоқ муддатли дам олиш ва туризмга бўлган эҳтиёжларини қондириши лозим.

Регионал аҳоли жойлашуви тизимларини шакллантириш

Регионал аҳоли жойлашуви тузилмаларининг асосий мақсадидир. Бундан Регионал аҳоли жойлашуви вазифалари келиб чиқади:

- регионал аҳоли жойлашуви тизими марказнинг, катта, ўрта ва кичик аҳоли жойлари тизимлари марказларининг мақсадга мувофиқ катталигини, ҳамда бу тизимлар чегаралари ва ривожланиш даражасини аниқлаш;

-шаҳарлар, қишлоқлар сони, катталиги, ҳудудий ривожланиш йўналишларини аниқлаш;

-регионни йириклашган функционал қисмларга бўлиш, бунда интенсив шаҳарсозлик ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик, қўриқланадиган ва регионал аҳамиятидаги рекреацион ландшафтлар қисмлари ажратилади.

Бу вазифаларни ечиш охириги ижтимоий-иқтисодий мақсадларга етишишга йўналтирилган бўлиб, амалий система таҳлили усуллари ва процедураларидан фойдаланиб амалга оширилади. Юқоридаги ишлар «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» институти томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Регионал аҳоли жойлашуви тузилмаси» да бажарилган.

Ўзбекистон мутлақ ўзига ҳос демографик ҳолатга эга бўлган республика

ҳисоблангани ҳолда, аҳоли жойлаштиришни шакллантиришнинг жуда муҳим ҳудудий хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ичида аҳоли сони бўйича Россия ва Украинадан сўнг учинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг ўзига ҳос хусусияти – аҳоли сонининг тез ўсишидир, бунга тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва айниқса демографик омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Аҳолининг ўртача йиллик ўсишининг суръатлари ҳалиям баланд бўлиб, 1000 та одамга 17,3 кишини ташкил этади⁷. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 29735,7 минг киши^{*} яшайди, шу жумладан шаҳар аҳолиси 15219,0 минг киши (51,2 %), қишлоқ аҳолиси 14516,7 минг киши (48,8 %). Республика таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, 12та вилоят ва Тошкент шаҳри – Республика миқёсидаги шаҳар

⁸. Латипов Д.В, Мирзаев М.К. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлиги асослари . Т. Ўз.Р.Д.М.қўмитасининг Тошкент китоб журнал фабрикаси 2000. 13-бет.

кирадилар. Республикада 121та шаҳар, шу жумладан 55та республика ва вилоят миқёсидаги, 113 та шаҳар посёлкалари, 35 та қишлоқ туман марказлари мавжуд. Республика ҳудуди 447,4 минг кв. км. ни, аҳолининг ўртача зичлиги 53,1 одам/км² ни ташкил этади; аммо республика алоҳида вилоятлари бўйича зичлик 6,9 одам/км² дан (Навоий вилояти), 503,5 одам/км² (Андижон вилояти) гача этади. Аҳоли энг зич жойлашган вилоятлар: Фарғона водийсида – Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент ва Самарқанд вилоятларидир.

Ҳудудлар ўлчамларидаги фарқ табиий-иқлимий шароитлар билан белгиланади. Республика вилоятларининг умумий характеристикалари Ўзбекистон Статистика қўмитаси маълумотлари Ўзбекистон Республикасининг аҳолисини рўйхатга олиш ва Статистика қўмитаси кўрсаткичлари бўйича 2-жадвалда келтирилган.

Янги шаҳарлар фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида (Ангрен, Олмалиқ, Нуробод, Қувасой, Зарафшон, Янгиобод ва бошқа шаҳарлар), қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш марказлари сифатида (Янгийўл, Хўжайли, Чимбой шаҳарлари), Энергетика ва кимёни ривожлантириш асосида (Чирчиқ, Навоий, Бекобод, Гулистон шаҳарлари), Нукус ва Тўрткўл шаҳарлари эса маъмурий хўжалик марказлари сифатида ташкил топдилар. Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики Республика урбанизация жараёнлари ҳамма босқичларда анча актив ривожланган.

Шаҳарлар сони 25 тадан 121 тага, ёки 4,8 марта, шаҳар посёлкалари эса 22 тадан 113 тага, ёки 5,2 марта ўсган. Ҳозирги кунга келиб Республикада энг кўп шаҳарлар 20 минг дан 50 минггача аҳолили шаҳарларга тўғри келади. Уларда умумий шаҳар аҳолисининг 37,2 % и яшайди; 100 дан 500 минггача аҳолили катта шаҳарларга 38,9 %; шаҳар посёлкалари орасида 39 % и 5 дан 10 минггача аҳолили посёлкаларга, 43,1% и эса 10дан 20минггача аҳолили посёлкаларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирги замон аҳоли жойлашуви ва урбанизациясининг хусусиятлари:

- Шаҳар аҳолисининг кичик нисбий сони;
- Маҳаллий аҳолининг кам ҳудудий кўчиб юриши;
- Шаҳарлар тармоғида урбанистик таркибнинг кам ривожланганини кўрсатувчи кичик ва ўрта шаҳарларнинг устунлиги;
- Шаҳар жойлари тармоғининг воҳаларда тўпланганлиги;

- Кичик ва ўрта шаҳарларнинг иқтисодий потенциали кичик бўлган ҳолда саноат корхоналари ва шаҳар аҳолисининг кам сонли йирик шаҳарларда тўпланганлиги;

2-жадвал. Ўзбекистонда доимий аҳоли сони (йил бошида).

	2002й.	2003й.	2004й.	2005й.	2006й.	2007й.	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.
Ўзбекистон Республикаси	25115,	25427,9	25707	26021,	26312,7	26663,8	27072,	27533,4	28001,4	29123,	29555,
шу жумладан:											
Қорақалпоғистон Республикаси	1540,1	1551,6	1560,	1569,9	1571,9	1582,7	1595,4	1615,7	1632,0	1680,9	1692,8
Андижон	2247,4	2279,7	2309,	2342,7	2375,9	2409,8	2451,2	2499,9	2549,1	2672,3	2714,2
Бухоро	1456,1	1473,9	1490,	1507,6	1525,9	1545,1	1566,1	1588,8	1612,5	1683,8	1707,4
Жиззах	1005,7	1019,5	1030,	1043,3	1051,4	1064,7	1079,5	1098,3	1116,8	1166,7	1186,6
Қашқадарё	2253,7	2294,7	2336,	2378,5	2420,4	2462,2	2509,4	2563,6	2616,1	2722,9	2777,8
Навоий	795,8	799,7	804,2	810,2	812,7	819,5	829,0	839,3	851,6	873,0	881,2
Наманган	1982,7	2013,7	2042,	2073,2	2103,6	2134,5	2174,3	2217,2	2258,5	2379,5	2420,6
Самарқанд	2749,8	2789,1	2826,	2867,1	2907,5	2955,5	3003,4	3061,6	3119,0	3270,8	3326,2
Сурхондарё	1801,0	1834,3	1864,	1894,9	1925,1	1957,8	1992,1	2033,8	2075,0	2175,1	2218,9
Сирдарё	657,2	664,1	668,5	672,2	676,9	684,3	693,0	703,4	714,4	727,2	739,5
Тошкент	2390,6	2411,8	2430,	2452,3	2468,0	2492,5	2522,4	2552,6	2585,9	2644,4	2671,0
Фарғона	2729,8	2765,7	2799,	2840,9	2878,9	2920,3	2972,2	3022,1	3074,6	3229,2	3280,8
Хоразм	1369,3	1390,9	1410,	1432,8	1453,9	1477,8	1504,2	1530,8	1561,6	1601,1	1629,1
Тошкент шаҳри	2136,6	2139,2	2135,	2135,7	2140,6	2157,1	2180,0	2206,3	2234,3	2296,5	2309,3

- Кўпчилик шаҳар ва поселкалар функционал таркибининг ривожланганлиги; шаҳар ташкилий асоси, аҳоли жойлариаро хизмат кўрсатиш тизими ва айниқса оммавий дам олиш тармоқлари кам ривожланган маҳаллий туман марказларининг устунлиги;

- Интенсив суғориш деҳқончилиги туманларида қишлоқ аҳоли жойлашувининг майда қишлоқлардан иборатлиги;

- Қишлоқни урбанизациялаш жараёнида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўзаро алоқаларининг кучайиб боришида йирик қишлоқлар ролининг ўсиб бориши. Республика учун ҳамма регионларда анчагина эркин меҳнат ресурсларининг мавжудлиги характерлидир, бу меҳнат ресурслари керакли профессионал тайёргарликка эга эмаслар. Шаҳарларнинг ҳозирги ривожланиши республикада интенсив урбанизациялаш шароитида кечмоқда. У жамиятнинг барча

*Изоҳ: Бу Статистика қўмитасининг 2012йил 1 июлдаги маълумотларига кўра олинган.

соҳаларини қамраб, шаҳарларнинг иқтисодий аҳамиятига, уларнинг ишлаб чиқаришидаги ва аҳолини ижтимоий ташкил этишдаги ролига хал килувчи таъсир кўрсатмоқда. Республикамизда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Ўзбекистон шаҳарлар тармоғи ривожланиши ва аҳоли жойлашуви характери ҳамда аҳоли жойлари тармоғи таркиби ўзгариши, шаҳар аҳоли жойлашуви ареалларининг кенгайиши билан кузатиб борилмоқда. Бу жараёнга аҳоли жойлари тармоқларининг нафақат воҳаларда шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек янги, илгари фойдаланилмаган республика ерларининг (Мирзачўл, Жиззах, Қарши даштлари, Марказий Фарғона ва бошқалар) интенсив ўзлаштирилиши ёрдам беради.


1.3. Ўзбекистон катта шаҳарларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари.

Ўзбекистонда катта шаҳарлар қаторига Ангрен, Олмалиқ, Денов, Марғилон, Чирчиқ, Урганч, Қўқон, Бекобод, Жиззах, Навоий ва Термиз шаҳри киради. Туркистонда XIX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб айрим қадимий шаҳарларнинг чеккаларида, ёнларида, улардан бирор масофада «янги шаҳар»лар пайдо бўлди. Самарқандда ва Тошкентда дастлабки «янги шаҳар»лар қадимги қалъаларнинг бузиб ташланиши ҳисобига, уларнинг ўринларида қурилди. Хива, Бухоро ва Қўқон шаҳарлари ўзларининг асрлар давомида шаклланган шаҳарсозлик тизимларини сақлаб қолди. Бухоронинг «кўриқчиси» сифатида Когонни кенгайтириш ишлари олиб борилди. Марғилондан бирмунча масофада «Янги Марғилон» - ҳозирги Фарғона шаҳари ташкил бўлди. Ўзбекистон шаҳарлари ҳаётида юқорида айтилган йирик ва майда маъмурий-режавий тизимнинг аҳамияти сақланиб қолган. Кўпгина шаҳар ва йирик қишлоқлар (масалан, Паркентда) аҳоли деҳқончилик билан ҳам шуғулланган (Бухоро шаҳари бундан мустасно). Бундай шаҳарларда оилалар баҳорда кўч-кўрони билан шаҳар теварагидаги боғларига чиқиб кетиб, кузда ҳосилни йиғиб бўлгач, ўз маҳаллаларига қайтишган. Шаҳарсозлик фани ва амалиётида кўпгина чуқур ва қонуний жараёнлар кечадики, улар шаҳарсозликнинг аҳоли жойлашуви тузилмасига ва тархий таркибига таянади. Каркас концепцияси унга яққол мисол бўла олади, хўжалик ва жамоат функцияси асосида, аҳоли ва коммуникация алоқалари ҳудудий таркибида ўзига ҳос яхлит тизимни ташкил қилади. Охирида аҳоли жойлашувининг ҳамма даражаси режалаштирилади, бир бутун Республикадан шаҳар тархий таркиби ва унинг қисмларигача. Тархий каркаснинг сўнгги элементлари тузилишини ва уларни иерархик даражасини Ўзбекистон шароитида кўриб чиқамиз.

Тархий каркасни шакллантирувчи элементлар фазовий муҳитдаги материал элементлар, масалан алоҳида ихтисослашган зоналар бўлиб, фазовий муҳитда ҳар хил аралашган бўлади, концентрациялашади ёки бир текис жойлашади.

Ангрен шаҳри Тошкент вилоятида жойлашган бўлиб, 126 минг аҳолига эга. Ангрен (Охангарон, яъни «темирчилар» атамасининг бузилган шакли) шаҳар (1941-46 йилларда шаҳарча). Жигаристон, Жартепа, Тешиктош, Қўйхона қишлоқлари ўрнида бунёд этилган. Ангрен Охангарон дарёси бўйида жойлашган, Чотқол ва Шарқий Қурама тизмаси орасида Тошкент шаҳридан 78км жануби-шарқда жойлашган. Шаҳар Охангарон дарёси водийсининг чап қирғоғида жойлашган ва бир неча қисмдан ташкил топган. Тошкентдан чиққан темирйўлнинг охириги бекати ҳисобланади. Ангрен орқали Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа қисмлари билан боғловчи Тошкент–Қўқон автомагистрали ўтган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Охангарон водийсида ўрта асрларда аҳоли анча зич яшаган ва темирчилик, ҳунармандчилик билан шуғулланган. 1934 йилдан Охангарон водийсида геологик қидирув ишлари бошланди. 1940 йил Ангренда дастлабки кўмир шахтаси барпо этилиб, 1940 йил ишга туширилди. Ангрен қурилишида айрим хатоларга йўл қўйилди, чунончи шаҳарнинг асосий қисми кўмир қатламлари устига қурилиб қолган бўлиб, кейинчалик шаҳарни бошқа жойга кўчиришга тўғри келди. 1956 йил мартида янги лойиҳа тасдиқланиб, янги шаҳар эскиси ўрнидан 7-8 км жанубий-ғарбда, Дукантсой билан Қорабовсой ва Тошкент–Қўқон автомагистрали йўли ёқасида кўмirdан холи бўлган жойда қад кўтарди.


Ангрен Ўрта Осиёда катта аҳамиятга эга бўлган кўмир ва энергетика саноати маркази ҳисобланади ва бу ердан кўнғир кўмир қазиб олинади. Уруш йилларида Ўзбекистоннинг кўпгина саноат корхоналари Ангрен кўмири билан таъминланиб турди. Корхоналардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати, кимё-металлургия, азот ишлаб чиқариш, машинасозлик саноати, резина-техникавий маҳсулот ишлаб чиқариш, Тошкент вилоятидаги йирик нефтбазаси, Ангрен Рудабошқармаси, Керамикавий фарфор ишлаб чиқариш заводи, Қоғоз картон ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Ангренда энг йирик саноат корхоналардан «Ўзбеккўмир» корхонасидир. Ангренда чиқариладиган кўмирнинг 2/3 қисмидан кўпроғи очик усулда қазиб олинади. Ангренда кўмирнинг бир қисми «Еростиғаз» станциясида ер қаърида газга айлантирилиб Ангрен ГРЭС ва Янги Ангрен ГРЭС ларини газ билан таъминлаб туради. Кон ускуналарини тузатиш, цемент, темир-бетон буюмлари ва йиғма темир-бетон, тажриба-механика, автомобиль таъмирлаш, «Ангрен рангли металл», гўшт, сут заводлари мавжуд. Ангренда педагогика институти, техника коллежи, техника, педагогика, тиббиёт билим юртлари ва лицейлар ва бир қанча ихтисослашган мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарда 5 та поликлиника, 6 та диспансер,



3-расм. Ангрен шаҳар каркаси ва унда асосий транспорт ҳамда пиёдалар алоқалари схемаси.

5та касалхона, 3 та профилакторий, 1 та меҳмонхона, 35 та кутубхона, 4 та клуб-кинотеатр, ўлкашунослик музейи, суратлар галереяси бор. Навоий номидаги маданият саройи, шаҳар спорт комплекси, ёпиқ сузиш ҳавзаси, боксчилар саройи, шахмат клуби ишлаб турибди. Ангрен шаҳри ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг йирик саноат марказига айланган. Саноат кўпайиши натижасида шаҳар экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, жумладан саноат чиқитларининг маълум қисми дарёга тушади, корхона мўриларидан чиқаётган тутун ва чанглар атмосферани ифлослайди, саноатга яқин жойлашган ерда меваларга салбий таъсир кўрсатади, чанг ва тутунларнинг тупроқларга тушиши натижасида секин-аста унимдорлиги пасаяди. Шаҳарда экологик ҳолатнинг бундай бўлишида Республика табиатни муҳофаза қилиш жамияти томонидан табиатдан унумли фойдаланиш бўйича бир қанча чоралар кўрилди ва уларни амалга ошириш бўйича ишлар қилинмоқда. 1991 йилда шаҳар корхоналаридан чиққан захарли моддалар йилига 77,278 минг тонна йил бўлса, кейинги йилларда анча камайди чунки айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш камайди, айримларида цехлар қисман ишлайди. Айрим корхоналарда маҳсулотларнинг етишмаслиги сабабли кўп пайтлар ишлаб чиқариш тўхтади, бу пайтларда шаҳар ҳавоси анча тоза бўлади. Биз буни яхши деганимиз йўқ, ишлаб чиқаришни ҳам

ривожлантиришимиз керак, шунда




4-расм. Ангрен аҳоли жойлашуви марказлари тармоғи.

аҳолини иш билан таъминлаймиз, аҳолини саноат маҳсулотига бўлган талабини қондирамиз. Шу билан бирга саноат чиқитларини тозалайдиган технологияни олиб келишимиз керакки, бунда саноатдан чиқаётган тутунларни тозалаш, ифлос сувларни тозалаш мумкин бўлсин, шундагина шаҳар экологияси яхшиланади. Сўнги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан Ангренда “Эркин индустриал иқтисодий зона ташкил қилиниб шаҳар иқтисодий ривожланиши ва ёшларни иш билан таъминлашга кенг йўл очилди. Ангренда йирик логистика маркази фаолият олиб бормокда. Бу ерда мамлакатимизнинг водий вилоятларидан юкларни бошқа минтақаларга етказиб бериш ва халқаро юкларни ташиш учун барча шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда “Ангрен” махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8та инвестиция лойихаси амалга оширилмокда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутди. Умумий қиймати 245 млн долларлик яна 22 та рентабелли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилмокда. Юртбошимиз “Қўлга киритган тажрибамиз шунини тасдиқлаб бермокдаки, мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам Навоий ва Ангрен каби махсус индустриал зоналарни, замонавий логистика тизимлари ва транспорт инфратузилмаларини яратиш бўйича бошланган ишларимизни давом эттириш мақсадларимизга жавоб беради” деб таъкидлаган. Ангрен шаҳрини Тошкент

вилоятидаги йирик саноат марказига айлантириш кўзда тутилмоқдаки, бу билан шаҳар инфратузилмаси ва таракқиётига замин яратилади.


Олмалиқ шаҳри 138 минг аҳолига эга бўлиб Тошкент шаҳридан 52 км жануби шарқда жойлашган. Бу шаҳар Ўзбекистондаги йирик рангли металлургия марказларидан биридир. Олмалиқ шаҳри аҳолиси кўп миллатли бўлиб 55% ўзбеклар, 20% руслар, 20% туркий миллатлар, 5% украин, белорус, татар, корейслар ва бошқа миллатлардан иборат. Олмалиқ поселкаси 1951й шаҳар мақомини олди. У Олмалиқсой бўйида, Курама тоғларининг шимолий ён бағрида, 600-650 м баландликда, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Олмалиқда мис конининг топилиши шаҳарнинг тез ўсишига сабаб бўлди. 1954 йил Олмалиқда кўрғошин-рух фабрикаси ишга туширилди. Қалмоққир конидан мис рудаси очик усулда олина бошлади. Олмалиқдаги саноат корхоналарини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида шаҳар ёнида иссиқлик электр станцияси қурилди. 1963 йил мис эритиш заводи фойдаланишга топширилди. Кон-металлургия комбинати тўла ишга туширилиб маҳсулот бера бошлади. Олмалиқдаги рангли металл рудалар олтингургуртга бой, шу сабабли металлургия комбинатида рудадан олтингургурт ажратилади ва “аммофос” корхонасига юборилади.



5-расм. Олмалиқ шаҳар асосий каркаси ва унда транспорт ҳамда пиёда алоқалари схемаси акс этиши.

Олмалиқда Ўрта Осиёда биринчи бўлган уй-рўзгор кимёси заводи қурилди. Бу ерда республика қишлоқ хўжалигининг 80% ни фосфорит ўғитлар билан таъминлаётган “Аммофос” заводи, “Поёндоз” гилам, “Паллада Восток”, “Джеферинтернейшил” Ўзбекистон – Покистон қўшма корхоналари, мебель


жиҳозлари комбинати, “Олмалиқғишт”, “Оқтош” корхоналари, “Қовулди” олтинли рудани қазиб олиш кони ва бошқа корхоналар бор. Енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланмоқда. Шаҳарга Тошкент – Ангрен темир йўлдан шохобча чиқарилган. Тошкент – Олмалиқ автомобиль йўли ўтган. Навоий кон-металлургия институтининг кон металлургия факультети, 23 та умумий таълим мактаби, 12 та кутубхона, 3 та маданият уйи, ўлкашунослик музейи, мусиқа ва санъат мактаблари, 3 та стадион, 36 спорт зали, 86 та волейбол ва баскетбол майдонлари, 11 та гандбол, 18 та теннис заллари ва 5 та сузиш ҳавзаси бор. Шаҳарда марказлашган ҳудудий тиббий бирлашма, болалар касалхонаси, “Кимёгар” касалхонаси, юқумли касалликлар, силга қарши курашиш диспансери, туғруқхона, 10 та поликлиника ва бошқа тиббий муассасалар ишлаб турибди.



6-расм. Олмалиқ аҳоли жойлашуви марказлари тармоғи.

Навоий шаҳри 1958 йилда ташкил топган бўлиб, Навоий вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Шаҳар Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида, Зарафшон дарёси водийсида, вилоятнинг шарқий чеккасида, 347 метр баландликда темир йўл станцияси, автотранспорт йўлларининг муҳим тугуни, Тошкентдан 509 км узоқликда жойлашган. Иқлими континентал, йиллик ўртача ҳарорат $15,1^0$, июлники $28,3^0$ бўлиб майдони 60 км^2 ни ташкил қилади. Навоий таркибида Кармана тумани бор. Аҳолиси 145,5 минг кишидан иборат (2003) бўлиб Навоий Зарафшон водийсидаги тез ўсаётган, ёш индустриал шаҳар. Зарафшон дарёсининг яқинлиги, йирик қишлоқ хўжалик ҳудудининг марказида жойлашганлиги ва транспорт билан яхши таъминланганлиги шаҳарнинг тез ўсишининг омили бўлди. Навоий Ўрта Осиёда йирик электр энергия ва кимё

саноати марказига айланди. Бу ерда 136 та акциядорлик жамияти, 334 давлат корхонаси, 1103 та хусусий корхонаси бор. Шаҳарда 21 та йирик саноат корхонаси бўлиб, вилоят саноат корхоналари ялпи махсулотининг кўп қисми шу ерда ишлаб чиқарилади. Навоий шаҳри саноат тармоқларида электр қуввати, минерал ўғитлар, ип ҳамда ипак газламалар ишлаб чиқарилмоқда. “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, электр-кимё заводи, Навоий кончилик-металлургия, ун, нон корхоналари, Навоий иссиқлик электр станцияси, “Қизилқумцемент” корхонаси, пахта тозалаш, машинасозлик, сут, ипак заводлари ишламоқда. Саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлайдиган корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ҳамда ҳунармандчилик тармоқлари ишлаб турибди. Шаҳарда хорижий мамлакатлар била ҳамкорликда қурилган қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан “Агама”, “Зериспарк” корхоналари самарали ишламоқда. Навоий орқали Учкудук, Бухоро, Нукус шаҳарларига боровчи темир йўл ўтган. Бу ерда 20 га яқин йўналишда автомобиль транспорти қатнайди.




7-расм. Навоий шаҳри бош режаси.

Халқаро аэропорти Навоийни Тошкент орқали Республика вилоятлари ва 20 дан ортиқ хорижий давлатлар билан ўзаро алоқалар ўрнатишда хизмат қилади. Шаҳар ҳудудида (қадимги Карманада) Мир Саид Баҳром мақбараси (11 аср), Қосим Шайх ҳонақоси (16 аср) ва бошқа меъморий ёдгорликлар мавжуд. Навоий йирик илм-маънавият ва маърифат марказларидан биридир. 1958-60 йилларда

шаҳар ягона бош режа асосида иссиқ иқлим, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда қурилган. Меъмор ва қурувчилардан бир гуруҳи давлат мукофотларига сазовор бўлишган. Шаҳар кўкаламзорлаштирилган, фаввора ва сузиш ҳавзалари кўп.

Навоий шаҳри буюк шоир Алишер Навоий ғояларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилган. Унинг характерли жиҳатларидан бири шундаки, шаҳардаги аксарият маданият ва спорт мажмуалари шоир асарлари номи билан юритилади. Бунга “Фарҳод ва Ширин” маданият саройлари мажмуаси яққол мисол бўла олади. Юртбошимиз бошчилигида 2001 йили Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан Навоий шаҳрида “Алишер Навоий” боғи ташкил қилинди ҳамда боғ билан тутшиб кетган Ҳалқлар Дўстлиги шох кўчаси бўйлаб узунлиги 1,5 километрдан иборат фавворалар ва Навоий асарларидаги ғоялар асосида яратилган ҳайкаллар билан уйғунлашиб кетган хиёбон бунёд этилди. Ушбу маскан бугунги кунда шаҳар аҳолисининг энг сеvimли гўшаларидан бирига айланган.



8-расм. Навоий шаҳри аҳоли жойлашуви марказлари тармоғи.

Кейинги йилларда Навоий Кармана шаҳарларининг яхлит бош режаси ишлаб чиқилиб, ана шу бош режани ҳаётга татбиқ этиш жараёни вилоят, шаҳар ҳокимликлари ҳамда бош лойиҳа ташкилоти «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» институти билан ҳамкорликда лойиҳа ишлари олиб борилиб, бир қатор қурилишлар амалга оширилиб келинмоқда. Навоий шаҳрида қурилган мусулмонлар масжиди, қатор академик лицей ва коллежлар, Хотира хиёбони ҳамда Навоий ва Кармана шаҳарларининг яхлитлигини таъминловчи Ҳалқлар

Дўстлиги кўчасини туташтирувчи, узунлиги 1 километрдан ортиқ бўлган янги кўча қурилди.

Навоий шаҳар бош режаси 2000-2003 йилларда «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» институти томонидан қайта ишлаб чиқилди.

Чирчиқ шаҳри Тошкент вилоятида жойлашган. Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Қоржонтовнинг ён бағрида, 730 м баландликда Тошкентдан 30 км шимоли-шарқда жойлашган. Тошкент - Чорвоқ темир йўлидаги станция ва автобобил йўллари чорраҳаси ҳисобланади. Аҳолиси 140,1 минг киши (2004). Чирчиқ 1932 йилда дарё бўйидаги Қирғизқулоқ, Қипчоқ, Ниёзбек, қишлоқлари ўрнида йирик электркимё комбинати қурилиши муносабати билан вужудга келган. Янги саноат корхоналари қурилиши билан аҳоли сони ҳам тез ўсди (1939 йил -15 минг киши, 1959 йил – 65 минг киши, 1970 йил -107,4 минг киши). 30-40 йилларда Индустриал техникуми биноси, 50 –йилларда электр кимё корхонасининг Маданият саройи ва бошқа жамоат бинолари қурилди. 1966-67 йиллардан кўп қаватли йирик панелли бинолар қад кўтарди. 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган чирчиқликлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, мактаблар, поликлиника, касалхона ва бошқалар бунёд этилди. Шаҳар ёнида аҳолининг дам олиш жойлари мавжуд. Шаҳарда “Чирчиққишлоқмаш”, “Трансформатор”, “Ўзбеккимёмаш”, “Электркимёсаноат” (минерал ўғитлар), қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинати каби корхоналар ишлаб турибди. 26 та қўшма корхона шу жумладан “Кибо”, “Чирком”, “Ўзметаллтехнолоджи”, “Бурсель-Ташкент-Текстиль” ва бошқалар мавжуд. 850 дан зиёд кичик корхона фаолият кўрсатади. Қурилиш материаллари, темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарилади. Ғишт, асфальт-бетон заводлари, гўшт, нон комбинатлари, пойабзал ва тикувчилик фабрикалари мавжуд. Чирчиқдан Тошкент шаҳрига автобуслар қатнайди транспорт алоқалари яхши йўлга қўйилган. Чирчиқ шаҳри бош режаси тўғри тўртбурчак кўчалар асосида, кенг магистраллар, хиёбонлар режалаштирилган. Шаҳар бош режаси 1933-36 йилларда “Гидропроект” Москва лойиҳа институтида архитекторлар Г.М. Орлов, М.И.Тараканов, В.А.Лавров ва бошқалар томонидан лойиҳалаштирилган. Кейинчалик 1964 йилда янги бош режа “Ўзгоспроект” лойиҳа институтида бош архитектор П.А.Дуда-Дудинский томонидан ишланди. Бу шаҳар чизикли шаҳарлар қаторига киради ва Шаҳарнинг бош тарҳини қуйидаги икки омил шакллантиради: транспорт тизими – шаҳар марказидан кесиб ўтувчи Тошкент – Чорбоғ йўли ва темир йўл; иқлим шароити – шаҳарнинг жануби-шарқий чегарасида жойлашган Чирчиқ дарёси. Шаҳардан Катта Келес ва Бозсу каналлари оқиб ўтади. Искандар, Хоним, Хонариқ ва Зах ариқлари шаҳарнинг яшил ҳудудларини бир-бирига боғловчи омил бўлиб ҳисобланади. Шаҳарнинг яшил ҳудудлари қуйидагилардан иборат: шаҳарнинг А. Темур ва А.

Навоий кўчасида жойлашган парк ва ҳиёбонлар; Зах канали бўйида жойлашган спорт комплекси; шаҳар жанубида жойлашган Чирчиқ сув омбори, оромгоҳлар; ишлаб чиқариш ҳудудларининг санитар-ҳимоя ҳудуди; шаҳар магистрал кўчалари, пиёда йўллар бўйидаги яшил ҳудудлар; туман, микрорайон боғлари ва бошқа жамоат бинолари яшил ҳудудлари; шаҳар таркибига кирувчи тепаликлар ва адирлар ҳудуди.



9-расм. Чирчиқ шаҳри асосий магистрал йўллар режаси.

Чирчиқ шаҳри чизикли шаҳар схемасига мисол бўлади, шаҳарда магистрал бўйлаб барча халқ-хўжалик тизимлари вақт ўтиши билан ривожланиб ўсиб боради. Умуман олганда бундай схема жуда кам қўлланилади. Чунки, катта шаҳарларда бу схема бир нечта муаммони келтириб чиқаради. Масалан, радиал-айланмали схема билан чизикли схемани солиштирсак, бунда шаҳардаги функционал элементлар орасидаги масофани узоқ бўлиб қолиши мумкин. Сабаби, ҳар бир функционал элемент магистрал бўйлаб жойлаштирилганлиги ҳам, транспорт тизими бу функционал элементларнинг ҳар бирига тўхташ имкониятига эга бўлмаган.

Марғилон шаҳри Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб 197 минг аҳолига эга(2009й). Фарғона водийсининг жанубий қисмида Олой тоғлари этагида жойлашган. Фарғона шаҳридан 10-12 км шимолда 475 м баландликда, яқин темирйўл станцияси Марғилон 4 км. Шаҳарнинг жанубий чеккасидан Жанубий

Фарғона канали ва шаҳар ичидан Марғилонсой оқиб ўтади. Марғилон аҳолиси тез ўсиб борган (1897 й.да 36 минг, 1939 й.да 46 минг, 1973й.да 117 минг,2009 йилда 197 минг кишини ташкил қилган. Марғилондан 3-4 км жануброқда жойлашган Янги Марғилон (собиқ Горчаково) шаҳарчаси Марғилон шаҳар Кенгашига қарайди. Марғилон тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумотлар 10 асрга таълуқли. Ўша даврларда шаҳар «Марғинон» деб аталган ва кейинчалик ҳар икки номи ҳам ишлатилиб келинган. Марғилон номининг келиб чиқиши ҳақида аниқ бир маълумот йўқ. Айрим бир топонимистлар «марғ» - «майсазор», «ўтзор»дан деб тахмин қиладилар. Марғилон «мурғ» ва «юнон» сўзларидан деган маҳаллий тўқима ривоят ҳам бор. Ибротининг «Тарихи Фарғона» кўлёзма асарида ёзилишича, шаҳарга 883 йилда асос солинган. Археологик топилмалар Марғилон ўрнида милоднинг бошларидан аҳоли яшаб келаётганлигини, 10 асрда у катта қишлоқ бўлганлигини, 11-12 асрларда эса шаҳарга айланганли тасдиқланмоқда. В.В. Бартольд «Мўғуллар итилоси даврида Туркистон» асарида Қорахонийлар даврида ҳам Марғилон вилоятнинг бош шаҳри ҳисобланганлиги қайд этилган. «Бобурнома»да Марғилон Фарғонадаги 8та шаҳардан бири эканлиги, шаҳарнинг ободлиги, ширин мевалари ҳақида сўз юритилган. Шаҳарнинг қадимий қисмида ўтказилган археологик қазилмалар натижасида Марғилонга бундан 2 минг йил аввал асос солинганлиги аниқланди. Маҳаллий маълумотлар бўйича шаҳарнинг 12 та дарвозаси бўлган. IX аср маълумотларига кўра Марғилон шаҳри ўша даврда Буюк Ипак йўлидаги муҳим аҳамиятга эга шаҳар ҳисобланган, чунки Марғилондан ўтган бу йўл Олой тоғлари орқали Қашқаргача борган эди.Бу ер йирик хунарамандчилик марказларидан бири бўлган. Шаҳар турли даврларда Темурийлар, Шайбонийлар давлатлари, кейинги даврда Қўқон хонлиги таркибида бўлган.

10-расм. Марғилон шахрининг Фарғона- Марғилон агломерациясидаги ўрни.

станцияси, босмахона, механика устахонаси, нон ва лимонад заводлари бор эди. Кейинроқ механизациялашган кўнчилик заводи, тахта тилиш цехи, пойабзал фабрикаси фойдаланишга топширилди. 1963 йилда бадий – газламалар ишлаб чиқарувчи ҳунармандчилик артеллари негизида «Атлас» фирмаси вужудга келди. Шаҳарда катта “Ёдгорлик” ипак фабрикаси бўлиб, 2000 дан ортиқ одам ишлайди ва йилига 250минг кв метр юқори сифатли ипак матоси ишлаб чиқариш қувватига эга. Шаҳар ичидаги туманда Марғилон ипак фабрикаси замонавий ускуналарга эга бўлиб 15 мингга яқин одам ишлайди, йилига 22миллион квадрат метр ипак матоси ишлаб чиқаради. Шаҳарда 20 га яқин саноат, 8 та автотранспорт корхоналари, 17та қурилиш ташкилотлари бор. «Дўстлик-Марғилон» қўшма корхонаси, 600дан ортиқ кичик ва хусусий корхона, марказий деҳқон бозори, «Марғилон» меҳмонхонаси, автобуслар шохбекати, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Марғилонда ҳунармандчилик, айниқса дўппидўзлик, тандирчилик, мисгарлик ривожланган. 34 та умумий таълим мактаби, «Истиқбол» гимназияси, миллий ҳунармандчилик ва аниқ фанлар лицейлари мавжуд. 2 та мусиқа, 2та касб-ҳунар мактаби, қурилиш, тижорат, ҳисоб-кредит, тиббиёт ва педагогика коллежлари, махсус мактаб, ва меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатмоқда. 12та жамоат ва болалар кутубхонаси, 6 та маданият уйи, Й. Охунбобоев мемориал музейи, маданият ва санъат музейи, «Нурхон» халқ театри, маданият ва истироҳат боғи бор. Шаҳарда «Ал Ҳидоя» хотира мажмуи мавжуд.

Меъморий ёдгорликлардан Пир Сиддиқ мажмуи (18 аср), Хўжа Мағиз мақбараси (18 асрнинг биринчи ярми), Чокар, Торонбозор масжидлари (20-аср бошлари), Саидахмад Хожа Эшон мадрасаси (19-аср охири) ва бошқалар сақланиб қолган. Марғилонда буюк аллома Бурҳониддин Марғилоний яшаб ўтган.

Денов шаҳри Республикамизнинг жанубида Сурхондарё вилоятида жойлашган бўлиб 104,4 минг аҳолига эга (2009). Аҳолисининг Сони ва катталига бўйича Термиздан кейин иккинчи ўринда туради. Денгиз сатҳидан қарийб 600м баландликда Сурхондарё ва Сангардак дарёлари оралиғида жойлашган. Темир йўл станциясига эга бўлиб Деновдан Термизгача бўлган масофа 156 км.

Денов қадимий шаҳар. Ёзма манбаларда XIV-аср охирларидан «Деҳинав» шаклида, яъни «Янги қишлоқ» мазмунида тилга олинган. *Маҳмуд Ибн Вали* (17-аср) нинг ёзишича, Деҳинав ажойиб бозори, катта масжиди ва хонақоси бўлган мустаҳкам қалъа-шаҳар ҳисобланган. Баъзи тадқиқотчилар *Чағониён* шаҳри Денов ўрнида бўлган, деб ҳисоблаб келишганди. Археологларнинг аниқлашига кўра, Чағониён шаҳри аслида Деновдан 6 км жануби-шарқда жойлашган Будроҳ манзилгоҳи ўрнига тўғри келади (қ. *Будроҳтепа*). Деновнинг ҳозирга ўрнида милoddан аввалги 2-минг йиллик охирларида манзилгоҳ бўлган. Мўғуллар


истилосидан кейин Чағониён шаҳри мавқеи пасайиб кетгач, Темурийлар даврида Деҳнава асосий марказлардан бирига айланди. Археологик топилмалар Денов қалъаси XV-асрга оидлигини, уни мустаҳкам қўрғон бўлганлигини тасдиқлайди. Денов қалъаси мураккаб меъморлик обидаси бўлиб, чор атрофида хандақ қазилган. Қалъанинг диаметри 110м бўлиб, қалин девор билан ўралган. Денов 17-18-асрларда Бухоро хонлиги таркибида қарвон савдосининг марказларидан бўлган, шаҳарда ҳунармандчиликнинг юздан зиёд тури, айниқса кўн-чарм тайёрлаш, этикдўзлик, тўқувчилик, зардўзлик, қандолатчилик, ўйинчоқсозлик ва ҳақозолар ривожланган. 1920 йил Деновда шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, ҳунармандчилик устaxonалари ёпилиб, шаҳарга савдо моллари келиши тўхтаб қолди. 1925 йил Денов орқали ўтувчи Термиз – Душанба темир йўли қурилди. Денов саноат корхоналари билан нафақат вилоятда балки республикада муносиб ўрин тутади.



11-расм. Денов шаҳрининг асосий магистрал ва йўллари тизими чизмаси.

Саноат корхоналари, асосан, вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. «Деновсут» корхоналари, пахта тозалаш, механика, арақ-вино, консерва заводлари, пахта титиш фабрикаси бор. Деновда ишбилармонлик ва тадбиркорликка кенг йўл очилган. Кичик корхона, фирма, ширкатлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 20 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда. Мустақиллик йилларида шаҳарда ҳунармандчиликнинг раванқига катта эътибор берилган. Шаҳарда 8та умумий таълим мактаби, гимназия, хорижий тиллар, кимё, физика-математика

лицейлари, тиббиёт билим юрти, шаҳар бизнес мактаби, болалар санъат мактаби, поликлиникалар, 13 та кутубхона, маданият ва истироҳат боғлари, деҳқон бозори мавжуд. Республикамизнинг бошқа вилоятлари билан транспорт алоқалари яхши йўлга қўйилган. Деновда меъморий ёдгорликлардан Саид Оталиқ мадрасаси (16-аср) сақланган. Унинг олд қисмидаги ҳудуд ободонлаштирилган.



12-расм. Денов шаҳри аҳоли жойлашуви марказлари тармоғи схемаси.

Денов шаҳрининг шаҳарсозлик ечимлари шундан иборатки, шаҳарнинг магистраллари ва йўллари тизими(11-расм) учбурчак ва кўпбурчакли, қисман комбинациялашган усулда режалаштирилганлигини кўришимиз мумкин. Шаҳар асосий йўллар туташган жойда жойлашганлиги ҳам унинг тез ривожланишига омил бўлди. Шаҳар марказидан ўтган Термиз-Душанбе темирйўли ҳам шаҳар бош режасига сезиларли таъсир кўрсатган. Денов атрофи тоғ олди зоналар бўлиб асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Шаҳардан унча узоқ бўлмаган жойда фойдали қазилмалардан нефт конлари мавжуд. Яқин жойлашган чегарадош аҳоли пунктларидан Кенгаш, Пистамозор, Жартепа ва бошқаларнинг шаҳарга таъсири катта бўлиб кунлик маятниксимон миграциясининг кўлами юқори(12-расм). Асосан меҳнат, савдо-сотиқ ва ўқиш ҳамда маданий-маиший алоқалар кучайиб бормоқда.

Жиззах шаҳри вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази бўлиб Сангзор дарёси бўйида, 460 м баландликда жойлашган, Тошкент – Самарқанд Темир йўлида жойлашган. Майдони 0,7 минг км², аҳолиси 138,4 минг (2004)

киши. Аҳолиси тез ўсиб борган 1939 йил – 9 минг, 1959 йил -15 минг, 1970 йил – 35 минг кишига эга бўлган. Иқлими кескин-континентал.

Юнон солномачилари Кирополь ва бошқалар Газони алоҳида тилга олишади. Археологлар шаҳар ўрнини аниқ ва асосда тайин этмасаларда, тарихий манбаларда уни Самарқанд ва Тошкент оралиғида жойлашганлиги айтилади. Олимлар Газони қадимги Жиззах деб тахмин қиладилар. Топономист олимлар Жиззах номини сўғдийча «Дизак» («қалъача») сўзи билан боғлайдилар. Тарихда у Дизак номи билан юритилган.

Жиззах Ўрта Осиёдан ўтган бир неча қадимий карвон йўлининг туташган жойида вужудга келган. Ёзма манбаларда илк бор араб географ олимлари ва сайёҳларидан *Ибн Ҳавкал* ва *Муқаддасий*ларнинг асарларида Уструшонанинг Факвон вилоятидаги шаҳар деб тилга олинади. Шаҳар араблар истилосидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Жиззахда 9-10 асрларда Сомонийлар, 11-13 аср бошида Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлати, 14-15 асрларда темурийлар давлати, 16 – 18 аср биринчи ярмида Бухоро хонлиги, 18-аср иккинчи ярмидан




13-расм. Жиззах шаҳрининг асосий магистрал ва йўллари тизими чизмаси.

1866 йилгача Бухоро амирлигига тобе бўлган. Шаҳар бир неча марта инқирозга учраб яна қайта тикланган. 16-17 асрларда аҳоли ҳозирги эски бозордаги Ўратепага кўчган 19 аср иккинчи ярмидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган. Жиззахда тегирмон, жувозхона, темирчилик

устахоналари, кулолчилик корхоналари ва бошқалар ишлаб турган. Шаҳар 16-19 асрларда кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. 1571 йил Абдуллахоннинг Дашти қипчоқ хони Бобоҳон ва Тошкент ҳокими Дарвешхон билан Жиззахдаги тўқнашуви шаҳарга катта талофот етказди. 1866 йил 12-18 октябрда Жиззах қалъаси рус босқинчилари томонидан тўпга тутилиб, вайронага айлантирилган.

Жиззахда 1920 йиллардан бошлаб янги корхоналар қурилган. 1930 йил маҳаллий хом ашё билан ишлайдиган оҳак заводи, 1932 йил шаҳар электр станцияси, 1942 йилда пахта заводи, 1943 йилда қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирлайдиган завод, 1949 йилда ёғ-пишлоқ заводи, 1960 йилда Ўзбекистонда энг йирик бинокорлик материаллари комбинати ишга туширилди. Мирзачўл ва Қарши чўлларини суғориш учун полиэтилен қувурлар ва полихлорвинил маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган кимё комбинати (1969), элеватор, ун заводи ва аралаш ем ишлаб чиқариладиган цехдан иборат ун комбинати қурилди (1970). 1971 йилда ғишт заводи ва Тошкент трикотаж фирмаси филиалининг биринчи



14-расм. Жиззах шаҳри аҳоли жойлашуви марказлари тармоғи схемаси.

босқичи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, нон заводи, тикувчилик фабрикаси маҳсулот бера бошлади. Жиззахда 30 дан ортиқ саноат корхонаси мавжуд. Улар орасида бадий кулолчилик буюмлари корхонаси, «Сўғдиёна» фирмасининг тиббиёт маркази, сут-ёғ, электромеханика заводи, қурилиш материаллари комбинати, темирбетон плиталар ишлаб чиқариш корхонаси, ип йигирув, пайпоқ тўқиш, устки трикотаж, мебель фабрикалар бор. Шаҳарда истиқлол боғи, ёпиқ сув ҳавзаси, маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими,

«Асакабанк», «Ғаллабанк», «Ипотекабанк», «Осиё» бозори, «Бахмал» савдо уйи, Хотира ҳиёбони, болалар истироҳат боғи каби йирик иншоотлар фойдаланишга топширилди. Шаҳар маҳаллаларида яшовчи аҳоли учун Олмазор, Тошлок, Улуғбек, Заргарлик, Кимёгар, Бобур, Ҳамзаобод, Ўратепалик, Ҳайробоод, Раваллик номли замонавий маҳалла гузарлари мавжуд. Шаҳардаги 280 га яқин кўчанинг узунлиги қарийб 240км ни ташкил этади. Шаҳар ичида троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Аҳолига 600 дан зиёд савдо ва бир қанча маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари хизмат қилади.

Шаҳарда Ўрда, Бобо Як, Қалиятепа, Нуриддин Ҳожи мадрасаси каби тарихий ва меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган. Жиззах шаҳрининг шаҳарсозлик ечимлари шундан иборатки, шаҳарнинг магистраллари ва йўллари тизимида(13-расм) асосан карвон йўллари таъсирида шаклланган ва уларга боғлиқ тарзда шаҳар марказида тўғри тўртбурчак магистралар режалаштирилган. Шаҳар марказидан ўтган Самарқанд -Тошкент темир йўли ва тоғ рельефи шаҳар бош режасига сезиларли таъсир кўрсатган. Шаҳарнинг ғарб томони тоғ олди зоналар бўлиб асосан тоғ-яйлов зоналаридан иборат. Туризмни ривожлантиришда кенг имкониятларга эга. Жиззах шаҳрида ҳам Эркин индустриал иқтисодий зона барпо этилмоқда. Жиззахга яқин чегарадош аҳоли пунктларидан аҳоли кунлик юмушлари билан келишади. Айниқса Ғаллаорол,Зафаробод, Пахтакор, Равот, Пахтаобод, Чаманзор, Янгиобод, Зарбдор, Оқбулоқ ва бошқа аҳоли пунктлари кунлик миграциясининг ҳажми ортиб бормоқда (14-расм). Меҳнат, савдо-сотиқ ва ўқиш ҳамда маданий-маиший алоқалар шаклланган.

Бекобод - Тошкент вилоятидаги шаҳар бўлиб 1954 йилдан шаҳар мақомини олган. Тошкентдан 189 км жанубда, Далварзин чўлининг жанубий-шарқида Тожикистон билан чегарадош худудда жойлашган. Сирдарёнинг ҳар иккала соҳилида, шимоли-шарқ ва жануби-шарқдан тоғ тизмалари билан ўралган. Иқлими кескин континентал. Шаҳар яқинидан Далзарзин ва Дўстлик каналлари бошланади. Бекобод Ўзбекистоннинг индустриямарказларидан биридир. 1942 йил металлургия заводи қурила бошлади. Ўрта Осиёдаги бу ягона қора металлургия маркази 1944-йил дастлабки пўлат ва 1946-йил биринчи прокат берди. Цемент комбинати, темир-бетон буюмлари (суғориш новлари ва бошқалар), кум-шағал, ғишт, пахта, сут ва нон заводлари, гўшт комбинати ва бошқалар бор. Шаҳар яқинида 1943 йил Фарҳод ГЭС қурилган. Бекободда индустрия техникуми, тиббиёт билим юрти, 17 та умумий таълим мактаби, 2 та мусиқа ва спорт мактаблари, 11та оммавий кутубхона, клуб, 4 та маданият уйи, металлургия маданият саройи, музей, 7 та касалхона бор.

Термиз шаҳри Сурхондарё вилоятининг маркази ҳисобланади. Амударёнинг ўнг соҳилида, Ўзбекистоннинг жанубий қисмида, Афғонистон чегарасига яқин,

ўртача 310 метр баландликда жойлашган. Халқаро дарё порти ва Темир йўл станциясига эга. Тошкентдан 708 км узоқликда жойлашган. Майдони 27,8 км² бўлиб аҳолиси 150 минг киши(2012) ни ташкил этади. Иқлими континентал, иссиқ ва қуруқ, ёзи жазирама иссиқ, қиши илиқ ва қисқа.

Археологик топилмалар, араб ва юнон манбаларида келтирилган маълумотлар Термизнинг Шарқдаги қадимий шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Шаҳарнинг қулай географик ўрни, стратегик аҳамиятга молик жойда бўлганлиги, шарқни ғарб, жанубни шимол билан боғловчи савдо чорраҳасида барпо этилиши, унинг тез суръатлар билан ривожланишига замин яратган. Буюк ипак йўлининг муҳим бир тармоғи ҳам Термиз орқали ўтган.

Қадимий Шарқ цивилизациясининг шаклланишида Термизнинг ўзига хос ўрни бор. Кўҳна Термизнинг қалъа қисмида олиб борилган археологик изланишлар натижалари ва ёзма манбаларнинг таҳлиliga кўра шаҳарга милoddан аввалги 1-минг йилликнинг ўрталарида асос солинган. Термиз Сўғдиёна, Хоразм, Марғиёна ва Парфия давлатлари билан маданий ва савдо алоқаларини ўрнатган. Топилмаларга қараганда шаҳарнинг Ҳиндистон билан маданий ва савдо алоқалари ҳам жуда фаол ва узвий бўлган. Милoddан аввалги 4-3 асрларда 10 гектар майдонни эгаллаган Термизнинг қадимий қалъаси ўрнида аҳоли манзили бўлган. Ҳофизи Абруйнинг ёзишича, шаҳарнинг номи «Тарамастха» (бактрияча «нариги соҳилдаги манзил») сўзидан олинган бўлиб, асрлар давомида турлича аталиб келган (масалан: Антиохия, Деметриас, Тармид, Тармиз, Та-ми, Тамо). X – асрдан Термиз деб атала бошлаган. Термиз милoddан аввалги 3-2 асрларга келиб Бактриянинг энг ривожланган, сиёсий иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланди. Ашёвий далилларга кўра бу даврларда шаҳарда меъморлик ва ҳунармандчиликнинг бир қанча соҳалари кулолчилик, дегрезлик ва металлсозлик, шишасозлик бошқа шаҳарларга қараганда анча олдин ривожланган.

Термиз шаҳрининг гуллаб яшнаган даври Кушонлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу даврда Термиз ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, Шимолий Бактриянинг йирик шаҳрига айланган.

Араблар босиб олган даврда (686-704) Термиз 70 гектарга яқин майдонни эгаллаган, тўртбурчак шаклидаги қалъадан иборат бўлган. 10-асрда ёзилган “Худуд ул – Олам” асарида Термиз “Жайхун бўйидаги кўркам ва обод шаҳар. Қалъаси дарё бўйида, улкан бозори машҳур, Хутталон ва Чағониён аҳли шу ерда савдо қилади”, деб таърифланган. 10-12 аср бошларида Термиз равақ топган. Тохаристоннинг йирик шаҳри, ҳунармандчилик ва савдо марказига айланган. Бу даврда Термиз ҳудуди 500 Га дан ортиқ майдонни эгаллаган. Шаҳарда бир қанча маҳобатли бинолар барпо этилган. Шулардан Эски шаҳар қисмида Термиз

шоҳлар саройи сақланиб қолган. Термиз вақти-вақти билан Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Қорахитойлар, Салжукийлар, Хоразмийлар, Темурийлар давлатлари таркибида бўлган. 1407 йилда Темурий Халил Султон фармони билан дарё соҳилидаги Термиз қалъаси қайта тикланди. Кўп ўтмай катта шаҳарга айланди. Кейинчалик турли сулолалар тасарруфида бўлиб, 18-асрнинг 2-ярмида шаҳар ўзаро урушлар натижасида бутунлай вайрон қилинган. Фақат, унинг атрофидаги Паттакесар ва Солиҳобод қишлоқлари сақланиб қолган.

1894 йил Термиз харобаларидан 8 км нарида жойлашган Паттакесар қишлоғида русларнинг маҳаллий аҳоли томонидан “Тупрокқўрғон” деб номланган қалъа истеҳкоми қурилган.

1916 йил Бухоро-Қарши-Термиз темир йўлининг қурилиши муносабати билан Термизнинг иқтисодий маъқеи ўсди. Ўзбекистонни қўшни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар билан боғловчи йўл Термиз орқали ўтиши шаҳарнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. 1933 йилда Термизда биргина пахта тозалаш заводи ва яна бир неча устахоналар бўлган. Кейинчалик ва айниқса, мустақиллик йилларида, саноат, қурилиш, енгил, озиқ-овқат ва бошқа корхоналар ишга тушди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари яхшиланди. Шаҳарда янги темир йўли вокзали қурилди. Амфитеатр, археология музейи, санъат коллежи, академик лицей, тадбиркорлар маркази, марказий стадион, “Дельфин” сузиш ҳавзаси, кураш саройи, теннис корти, “Алпомиш” мажмуаси, марказий бозор, “Термизнинг 2500 йиллиги” номли хиёбон бор, Шошилинч тиббий марказ қурилиб ишга туширилди.

Термизда жами 2500 дан зиёд корхона бўлиб, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналардир. Пахта тозалаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноати муҳим ўрин тутади. Вилоят ўлкашунослик музейи, Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуасидаги “Мерос” тармоқ музейи бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг лойиҳаси ва ташаббуси билан Термизнинг 2500 йиллигини акс эттирувчи Сурхондарё археология музейи бунёд этилди. Вилоят мусиқали драма, қўғирчоқ театрлари ишлаб турибди. Термизда 4та шаҳар кутубхона ҳамда 2та тармоқ кутубхонаси, Ҳайвонот боғи бор.

II Боб. Урганч шаҳри агломерациясининг шаклланиш хусусиятлари.

2.1. Урганч шаҳри ривожланишининг асосий муаммолари.

Урганч шаҳрининг умумий майдони 2897 гектар, аҳолиси 135,1минг киши (2010й) бўлиб, Амударёдан 12 км узоқликда жойлашган. Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилида, Шовот канали шаҳар ўртасидан ўтиб, Урганчни шимолий ва жанубий қисмларга ажратган. Шимолий қисмда асосан турар жой бинолари, илмий ва маданий маориф муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари. Жанубий қисмида эса ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган. Ҳар иккала соҳил бир бири билан кўприклар орқали боғланган.

Урганч шаҳри ўзига хос ривожланиш тарихига эга. Урганч 1929 йилгача Янги Урганч дейилган. Қадимги Хоразм давлатининг пойтахти Урганч (Гурганж) шаҳри бўлган (ҳозирда «Кўҳна Урганч» дейилиб Туркменистон ҳудудида жойлашган) 12-13 асрларда Амударё ўз йуналишини ўзгартиради, яъни Каспий денгизига оқмай қўяди, бу эса Хоразм иқтисодига катта зарар келтиради. Натижада Гурганж шаҳри сувсиз қолган. Абулғозий Баҳодирхон Гурганж, Вазир қалъа шаҳарларида ва улар атрофларида тарқоқ ҳолда яшаган аҳолини кўчириб Амударёнинг жанубий қисмларида жойлаштирган ва аҳоли ўрнашган ҳудуд атрофини қалъа девори билан мустаҳкамлаб унга “Тоза Урганч” яъни “Янги Урганч” деб ном берган. Шундан кейин қадимий Гурганж шаҳрининг номи Кўҳна Урганч бўлиб қолди. Янги Урганч билан Кўҳна Урганч оралиғи 170 км. Янги Урганч (ҳозирги Урганч) тез суръатлар билан ривожланган, бунга сабаб унинг қулай карвон йўллари устида жойлашганлиги эди. Амударёга яқинлиги учун ҳам шаҳарда савдо-сотик ва хунармандчилик тез ривожланади. Тарихий маълумотларда ёзилишича ҳозирги Урганч шаҳрига 1646 йилда Хива хони Абулғози Баҳодирхон асос солган. Урганчда Абулғози Баҳодирхон кўчаси ва шу кўчада унинг шарафига ҳайкал ҳам ўрнатилган. Абулғозий Баҳодирхоннинг ўғли Анушахон (Анушоҳ) даврида (1664-89) Урганч яқинида катта канал қазилиб, унга Шоҳобод (Шовот) номи қўйилган.

Шаҳар номининг келиб чиқиши милоддан аввалги 7-6 асрларга бориб тақалади. “Авесто” китобида Вирукаш (Орол) денгизи бўйида Урга (Урва) шаҳри бўлганлиги қайд этилган. Табиий офатлар (сув тошқини, қурғоқчилик) туфайли Урга ҳозирги Кўҳна Урганч ҳудудига кўчирилган. 8-асргача “Гурганж” номи билан юритилган. 712 йилда шаҳар араблар томонидан босиб олинганидан кейин “Журжония” деб аталди. 1221 йил мўғуллар эгаллаганидан сўнг шаҳар номи Урганч шаклида юритила бошлади. 14-аср Европа манбаларида шаҳар (Кўҳна Урганч) Wrgant шаклида тилга олинади.

Маҳаллий тарихчи олимларнинг маълумотлари бўйича, Янги Урганч 17-18 асрларда 4-5 метрли девор билан ўралган қўрғон (шаҳарча) бўлган. Шаҳарчада тахминан 5 минг киши яшаган. Кўплаб майда дўконлар, устахоналар ишлаб турган. 1873 йил август ойида Туркистон вилояти газетида Янги Урганч ҳақида: “Катталиги Орол бўйидаги Казалинский шаҳрига тенг келади, атрофи қалъа деворлари билан ўраб олинган, Амударёдан 12 чақирим нарида жойлашган кичкина шаҳар. Орол денгизидан то Хивага келгунча Урганчдек гўзал шаҳар йўқ. У боғлар ва ариқлар билан ўраб олинган” деб ёзилган. Ўша даврда Янги Урганчда 6 мингга яқин аҳоли яшаган. 1889-йилларга келиб шаҳарда ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлади, Ярославль мануфактураси корхонасига қарашли пахта тозалаш заводи қурилди. 19-аср охири 20-аср бошларида “Хайрия жамияти”, Рус-Осиё банки, Рус-тузем мактаби, хотин-қизлар мактаблари очилди. 1930-йилларда маъмурий ривожлантириш ва Урганч шаҳрининг Хоразм вилояти марказига айланиши унинг кейинги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўсишига катта туртки бўлди.

1930-40 йилларда архитектор Балахонов А.П. ва инженер Ванке А.И. томонидан ишланган бош режа шаҳарнинг кейинги ривожланишига режавий асос бўлди. Бош режанинг асоси радиал айланма шаклида ташкил қилинганлиги ҳозирги кунда ҳам кўриниб турибди. Шаҳарнинг мавжуд тарихий қисмини ҳисобга олган ҳолда, янгидан қуриладиган кўчалар сеткаси илк марта ҳалқа системасида амалга оширилган. Ҳозирги кундаги Паҳлавон Махмуд, А.Баходирхон, Ал-Хоразмий кўчалари бунга мисол бўла олади. Ўтган асрнинг 40-50 йилларида шаҳарнинг транспорт ечимида асосий ўринни сув қатнов транспорти эгаллаган. Шохобод канали Хоразмнинг суғориш тизими бўлибгина қолмай, балки сув транспорти қатновига хизмат қилган. Каналнинг ўлчами 80-90м, чуқурлиги 4 метрни ташкил қилган. Шу туфайли, Шовот каналининг ўнг ва чап қирғоқлари пристань вазифасини бажарган ва асосан саноат корхоналари ҳамда катта омборхона объектлари ташкил қилган. Шаҳарга 1957 йилда темир йўлнинг келиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳамда бошқа шаҳар ва вилоятлар билан алоқанинг ривожланиши, шаҳарнинг узлуксиз кенгайиб боришига ва янги бош режа ишлаб чиқишига олиб келди.

1964-йилда ишлаб чиқилган бош режага асосан янги замонавий маъмурий, маданий иншоотлар қурилиши кўзда тутилган эди. 1970-йилларда ишлаб чиқариш, маданий маиший қурилишлар ва аҳоли яшайдиган турар жой массивларини қуриш ишлари олиб борилди. Бу вақтда бино ва иншоотлар қурилиши индустриал усулда қурилганлиги туфайли, намунавий лойиҳалар асосида, индустриал базалар тузилиб, қурилиш ташкилотлари кенгайтирилиб, шаҳарда янги, индустриал асосдаги микрорайонлар қурилишини кучайтириб, 1979 йилда янги бош режа ишланди. Бош режа асосида шаҳарга нафақат

маъмурий ишлаб чиқариш ва турар жой бино маркази, балки туристик марказ сифатида қаралиб, хизмат кўрсатиш муассасалари меҳмонхона, ресторан, музей, театрлар қурилди.

1991 йилда мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганидан кейин шаҳарни қайта қуриш ва ободонлаштириш ишларига катта эътибор берила бошланди. «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» лойиҳа институти томонидан 1994 йилда шаҳар бош режаси, шаҳар марказий қисмининг детал жойлашув лойиҳаси ва 1997 йилда шаҳар марказининг макети ишланди. 1994 йил шаҳар бош режасида магистрал йўллар қурилишига, қўшимча йўллар қурилиши билан шаҳар марказида транспорт босимини камайтириш, янги айланма йўлини ишга тушириш кўзда тутилди. Шаҳарнинг ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилди.

Мустақиллик даврида Шовот канали шаҳар композициясининг асосий элементи сифатида қабул қилиниб, унинг ёқасида Жалолиддин Мангуберди мажмуаси, Авесто комплекси ва музей қурилиб, шаҳар маркази қайтадан таъмирланди ва Ал-Хоразмий хайкали ўрнатилди. Аэропортдан келиш йўлида Ал-Беруний ва Ал-Хоразмий боғлари қурилди. 1992-2003 йилларда “Буюк алломалар ҳиёбони”, “Амир Темури”, “Мирзо Улуғбек”, “Оғаҳий”, “Комилжон Отаниёзов”, “Аваз Ўтар ўғли” ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Шаҳар аҳолисида 91031 киши 15050 та яқка тартибда қурилган турар жойларда яшайди, 509 та кўп қаватли турар жой биноларида 42189 киши истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида Урганчда қурилиш ишлари авж олди. Унинг шимоли-ғарбий қисмида “Наврўз”, “Тараққиёт”, “Университет” шаҳарчалари пайдо бўлди. Урганч – Хива оралиғида 30 км.лик троллейбус қатнови (1997) йўлга қўйилди. Шаҳарда пахта тозалаш, экскаватор, ўт ўриш машиналари ишлаб чиқариш, “Урганчёғ” заводлари, пиллакашлик, тикувчилик, пойабзал фабрикалари, Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ва бошқалар фаолият кўрсатади. Вилоят мусиқали драма ва комедия театри, суръатлар галлерияси, маданият ва истирохат боғи, “Хоразм” спорт мажмуаси, стадионлар, спорт заллари ва майдончалари, теннис кортлари бор.

Урганч географик жиҳатдан қулай жойлашган бўлиб, ҳамма туманлар билан транспорт алоқалари яхши ташкил қилинган ва шаҳарда Темир йўл вокзали, Халқаро Аэропорт мавжуд. Шаҳарда 80-та саноат корхоналари (бундан йирик саноат корхоналари 8-тани ташкил этади), 12-та йирик қурилиш корхоналари, 35-та мактаб, 3-та академик лицей, 12-та коллеж, 37-та мактабгача таълим муассасалари, 19-та касалхона, 8-та поликлиника ва 942-та савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда 30-та транспорт корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Университет, Тошкент биринчи тиббиёт институтининг филиали,

Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали олий маълумотли кадрлар тайёрламоқда. Шаҳар 6-та - шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий, жануби-шарқий, жануби-ғарбий, марказ ва саноат зоналарига бўлинган бўлиб, шаҳар аҳолисининг хусусий турар жойларда яшовчи қисми жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбий зонада, кўп қаватли турар жойларда яшовчи аҳоли эса шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган.

Саноат зонаси шаҳарнинг жануб қисмида жойлашиб, шаҳар ҳудудидаги саноат корхоналарининг деярлик ҳаммаси шу зонада жойлашган. Шаҳар аҳолисининг турар жойга бўлган талабини шаҳарнинг шимолий-шарқий ва жанубий-шарқий қисмларида Урганч тумани билан чегарадош ерлар ҳисобига таъминланади. Ҳозирги кунда ЎзшаҳарсозликЛИТИ лойиҳа институтида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлаган график асосида Урганч шаҳрининг 25-30 йилга мўлжалланиб ишланаётган бош режаси ишланмоқда. Хоразм воҳасида қурилиш ва ободончилик соҳасида олиб борилаётган улкан ишларни вилоят маркази бўлмиш Урганч шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин. Урганч шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш мақсадида умумий қиймати 112 млрд. сўмни ташкил этадиган дастур ишлаб чиқилиб, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

2.2. Шаҳар ўсишига таъсир қилувчи омиллар.

Шаҳар ўсишига таъсир қилувчи омиллардан биринчиси бу аҳолининг ўсиши(15-расм) ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ривожланишлардир. Урганч Хоразм вилоятининг маъмурий, маданий-маърифий маркази ҳисобланади. Шунингдек Урганч шаҳри географик жиҳатдан вилоятнинг марказий қисмида жойлашган ҳамда асосий савдо йўллари кесишган нуқтада жойлашган. шаҳар ривожланишида ушбу омил ҳам катта аҳамиятга эга. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, вилоят аҳолиси 1991йилда 1066 минг киши бўлган бўлса, 2011йилда бу кўрсаткич 1601 минг кишига етган, аҳолининг 60% дан ортигини ёшлар ташкил этади. Аҳолини уй жойга бўлган талабини қондириш долзарб масалалардан биридир. Чунки воҳада ер ресурслари челанган. Шаҳар атрофи унумдор кишлок хўжалиги ерлари билан ўралган. Ундан ташқари экологик вазият туфайли суғориладиган ерларнинг кўп қисми турли даражада шўрланган.

Шаҳарлар тархий таркибининг ривожланиш турлари хилма-хил ва чекланмаган. Шулардан баъзи бир ечимлари ва умумий қоидалари мавжуд. Уларни таъсири учун ўзига ҳос хусусиятдаги шаҳар таркибининг ҳудудий ривожланишини ва шаҳар ичидаги коммуникацияларни тўғри ташкил қилиш керак. Умуман олганда шаҳарнинг ҳудудий-фазовий ривожланиши унинг


функционал тарихий эволюцияси ва шарт шароитларига боғлиқ бўлиб 3та асосий архитектура-режавий шаклга олиб келиш мумкин:

- Шаҳар қурилишларини зичлаштириш, ҳудудлардан самарали фойдаланиш;

-Шаҳар чегарасини кенгайтириш ва ёндош ҳудудларни ўзлаштириш;

-Шаҳардан янги мустақил шаҳар атрофи туманлари ёки бир-бирига боғлиқ бўлмаган йўлдош шаҳарлар чиқарилади.

Хоразм вилояти учун унумдор ерларнинг қанчалик аҳамияти катталигини ҳисобга оладиган бўлсак шаҳарларимиз қурилишида ерлардан оқилона фойдаланиш зарур. Шаҳарларни фақат энига эмас бўйига ҳам ўстириш керак. Яъни кўп қаватли микрорайонлар сонини ошириш керак. Шаҳар ўсишининг ҳар бир босқичида унинг режавий характери ўзгариб боради. Шаҳарлар ривожланишида қадимги шаҳарлар бўладими ёки янги шаҳарларми уларнинг марказий қисмига асосий юклама тушади, саноат ҳудудларини шаклланиши, антисанитар ҳолатларга ва ҳудудий-фазовий ташкиллаштирилмаганликка, шаҳарда транспорт алоқаларининг кўпайишига олиб келади. Режавий босқичма-босқич ривожланиш, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг бажарилиши, бизнинг мақсадларимизни амалга оширишга, яъни Озод ва Обод Ватан қуришимизга катта ёрдам беради.



15- расм. Урганч шаҳри аҳолисининг ўсиш диаграммаси* (горизантал бўйича йиллар, вертикал қаторда аҳоли сони кўрсатилган).

Шаҳар ўсишининг биринчи йўли шаҳар ҳудудини интенсив ўзлаштириш ва шаҳарни ҳудудий жиҳатдан ўстириш, санитар-гигиеник ва экологик масалаларни ҳисобга олган ҳолда бажарилади, аҳоли яшаши учун қулай шароитлар ва ҳаётий

* Маскур диаграмма муаллиф томонидан статистик маълумотларга асосан тузилган.

заруратларни сақлаб қолиниши таъминланади. Шаҳар ерини кенг қамровли ўзлаштиришда кам қаватли туманлар реконструкция қилинади, баланд аҳоли яшаш қисмлари, саноат ва омбор зоналарни гурухли ва тартибли ташкил қилинади, шаҳар ер ости муҳитидан фойдаланилади. Урганч шаҳрида ер ости сувлари ер юзига яқин (1,5-2м) бўлганлиги боис ер остидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан қимматга тушади. Шаҳарнинг вертикал ўсиши учун барча инженер коммуникациялар тўғри йўлга қўйилиши керак. Булар авваламбор иқтисодий ўсиш билан боғлиқ бўлиб, шаҳар инженер коммуникацияларига, ободонлаштиришга ажратилган инвестицияларнинг кўпайиши билан боғлиқ. Шу билан бир вақтда шаҳарнинг ҳудудий-тархий ўсиш усули ҳам бор. Бу ривожланишнинг ҳажмий-фазовий шакллари, ишлаб чиқариш ва ҳаётий фаолиятни, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳудудий ресурсларни иқтисод қилишни маълум бир тартибда ташкил қилишни талаб этади. Шаҳарсозлик тизимларининг мустаҳкамлиги, ҳаётийлиги, унинг ўсиш жараёни тархий таркиби ва шаҳарнинг ҳудудий ўсиш характериға жавоб беришиға боғлиқ. Шу нуқтайи назардан шаҳар таркибий тузилмаларининг бир биридан фарқ қилувчи компакт (марказий) ва чизикли “тармоқли” турларға ажратиш мумкин. Марказий тузилмада кам майдонни эгаллаган ҳудуд ўзлаштирилади ва ихчам, қулайроқ алоқалар тизимиға эға бўлади. Чизикли таркибда камроқ ихчам ва асосий транспорт магистраллари орқали алоқалар шаклланади. Тармоқли таркибда ҳудуд бир текис ўзлаштирилади ва унда ҳар доим марказий қисмлар ва асосий ўқлар бир йўналишда ўсиб бораверади.




16-расм. Шаҳар ҳудудий ўсишиға таъсир қилувчи омиллар.

Ҳозирги кунгача ҳар хил таркибли тархий схемаларни кўришимиз мумкин: марказий, чизиқли, панжарасимон. Компакт марказий тархий-таркибда шаҳар марказий қисми ҳамма учун қулай бўлади, бироқ аҳоли концентрацияси натижасида атроф-муҳит муҳофазаси даражаси бузилади. XX асргача «идеал шаҳар» сифатида моноцентрик тархий шакллар қўлланиб келинган. Четки ёндош ҳудудлар марказдан узоқлашиб қолади, марказий қисм эса табиий муҳитдан узилиб қолади. Шаҳар марказига функционал юкламалар тушади ва ягона коммуникация тизими маркази вазифасини бажара олмайди. Ундай шаҳарларнинг ҳудудий ўсиши концентрациялашув шаклида бўлиб периметри бўйича янги зоналарни ўзлаштиришга олиб келади ва бу шаҳар каркаси таркибини маълум бир босқичда шакллантиришни, таркиби чизиқли ва панжарасимон-тармоқли элементлар билан қўшилиб кетади.

Магистраллар таркибининг ўзгариши шаҳар коммуникация таркибининг яхшиланишига имкон беради ва бу шаҳарнинг ҳудудий ўсишини таъминлайди. Шаҳар ўсишига таъсир қилувчи омиллардан яна бири бу **Инженер коммуникациялар**нинг мукамал ишлашидир. Урганч шаҳрида инженер коммуникацияларнинг тўлиқ қувват билан ишламаслиги долзарб масалалардан биридир. Электр энергияси, табиий газ таъминоти, канализация тизими, йўллар қурилиши тизимини янада мукамаллаштириш керак. Кейинги йилларда ичимлик сувининг сифати анча яхшиланди, бу ишларни электр энергияси етказиб беришда ҳам давом эттириш керак. Зеро бугунги жаҳонни электр энергиясисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шаҳар ўсишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири бу – **бўш иш ўринлари** ва **аҳолининг иш билан бандлигини** таъминлашдир. Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун меҳнат қилиши ва шу орқали даромадга эга бўлиши керак. Шаҳарда аҳолини иш билан таъминлаш, саноат тармоқларини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш керак. Ўтган йили Президентимизнинг Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган 2 та муҳим қарори эълон қилинди. Жумладан, “2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вилоятда жами 253 та лойиҳа бўйича 462 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағларини жалб қилиш, 8870 та янги иш ўрнини очиш мўлжалланган. Шунингдек, “Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан эса 2013-2020 йиллар ичида жами 1 трлн 619.7 млрд сўм ҳажмидаги лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилди. Питнак шаҳрида жойлашган автосаноат корхонаси яқин 1 йил ичида давлатимиз томонидан ажратилган 49млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига тўла

реконструкция қилинади. Корхонада йилига 40 мингта замонавий “Дамас” автомашиналари ишлаб чиқариш имконини берувчи янги технологик жараёнлар ўзлаштирилади. 800 киши учун иш ўринлари очилади. Машиналар учун эҳтиёт



17-расм. Шаҳар ривожланишига таъсир қилувчи омиллар.

қисмлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Юртбошимиз вилоят саноат салоҳиятини юксалтиришга доир қарори асосида 3 йил ичида воҳанинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида улкан ҳажмли бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Шаҳарда яшашга бўлган **ҳохиш-истак** омили ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун шаҳарни меъморий-эстетик жиҳатдан ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун янги дам олиш зоналари, ҳиёбонлар, ва бошқа шаҳар инфратузилмаларини кўриб чиқиш керак. Ал Хоразмий кўчасида қурилган эски ва яроқсиз бино ҳамда иншоотлар бузилиб, ҳукуматимизнинг тегишли қарорига

биноан, атиги 1 йил ичида бутун бошли янги шоҳ кўча барпо этилди. Бундай бунёдкорликлар ҳозирда вилоят марказининг барча кўча ва майдонларини, маҳаллаларини қамраб олган.



18-расм. Урганч шаҳар бош режаси.

Урганч аэропорти ва темир йўл вокзали шаҳарнинг 2та дарвозаси. Шаҳарга қадам қўйган киши унинг бор гўзаллиги ва маҳобатини ана шу 2 рамзий дарвоза орқали илк қадамларданок ҳис қилади. Шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган ишлар ҳозирги кунда темир йўл шоҳ бекати атрофларида, айниқса қизғин давом этмокда. Шаҳарнинг бош меъморий режасига кўра, мукамал таъмирлаш ва реконструкциялашдан сўнг ғоятда гўзал қиёфага кирган вокзал олди майдонига ёндош "Ёшлик" кўчаси бутунлай қайта қурилади. Кўча бўйидаги маҳаллалар ҳудудида йирик автошоҳбекат, ёпиқ спорт манежи ва бир нечта мусобақа зали, сузиш ҳавзаси, салобатли ва маҳобатли ўйингоҳ каби иншоотлардан иборат кўркем спорт шаҳарчаси, кўп қаватли турар-жой бинолари, умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи мажмуалари, маъмурий бинолар барпо этилади. 11 км узунликда троллейбуслар қатновига мўлжалланган шаҳар кичик ҳалқа йўли қурилади. Шаҳарни бошдан-оёқ кесиб ўтувчи "Шовот" каналини бетонлаштириш ва ободонлаштириш дастури доирасида унинг ҳар иккала соҳили бўйлаб энг кўркем ва замонавий ландшафт дизайни асосида кўкаламзор боғлар, ҳордиқ ва жисмоний машқ маскани, равон йўлкалар, майдонлар, ҳиёбонлар, сайёҳларга мўлжалланган меҳмонхона ва

ресторанлар бунёд қилинади. Хоразмий шоҳ кўчасида 3 та меҳмонхона, 6 та кўп қаватли турар-жой биноси қурилиши якунланади. Марказий деҳқон ва “Чолиш” бозорлари, троллейбус парки, “Жайхун” меҳмонхона мажмуаси тўла қайта таъмирланади. Шунингдек, воҳада биринчи бор енгил автомашиналар, велосипед, телевизор, монитор, музлатгич, қуёш батареялари, кўмир брикети ишлаб чиқарилади.

Қурилиш техник базаси ва замонавий мутахассис кадрларнинг етарлилиги омили ҳам муҳим аҳамиятга эга. Урганч шаҳрида 12та йирик қурилиш корхоналари бўлиб улар ўзининг етарлича техник базасига эга. Ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб янги технологияларни қўллаш зарур, бу албатта биринчи навбатда молиявий жиҳатларга боғлиқ. Шаҳарда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи янги хусусий корхоналар ишга туширилмоқдаки бу билан маҳаллий хом ашёдан арзон қурилиш материаллари етказиб берилади. Урганч шаҳри Ўзбекистондаги катта шаҳарлар орасида ихчам шаҳарлардан биридир. Шаҳар марказигача бўлган масофа яқин бўлиб бу шаҳар аҳолиси учун қулайликлар яратади. Кейинги йилларда шаҳарда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ислох қилиниб бир қатор бунёдкорлик ишлари қилинди.

2.3. Урганч шаҳри агломерациясининг ўзига хос хусусиятлари.


Хоразм вилояти Республикамизнинг аҳолиси зич жойлашган вилоятларидан бири булиб, 1 км² га 400 киши атрофида аҳоли тўғри келади. Урганч агломерациясининг шаклланиши биринчи навбатда вилоят маркази мақоми билан боғлиқ бўлиб, бозор инфратузилмасининг яратилиши, ер ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш агломерацияда кўпроқ Урганч шаҳри таъсирида амалга оширилади. Шаҳар агломерацияси кичик, ихчам бир ҳудудда жойлашганлигига қарамадан вилоятнинг асосий маъмурий хўжалик, илм фан маданият, саноат маркази ва асосий транспорт тугуни бўлиб, ишлаб чиқаришни ижтимоий ва ҳудудий ташкил этишнинг самарали шакллари сифатида таркиб топган. Урганч агломерацияси республикада шаклланаётган шаҳар ва қишлоқларнинг бир бутун ҳудудий тизими сифатида 2 та шаҳар, 7 та шаҳарча ва 100 га яқин қишлоқларни ўз таркибига олади. Урганч шаҳри агломерациянинг ўзига хос ядроси ҳисобланади. Агломерация Амударёдан 12 км узоқликда жойлашган бўлиб дарёнинг қуйи оқими чап соҳилида, Шохобод канали ёнида жойлашган.

Шаҳар агломерациясининг жадал ўсишига биринчи навбатда аҳолининг табиий ўсиши ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ривожланишлар катта таъсир кўрсатмоқда. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, вилоят аҳолиси

1991йилда 1066 минг киши бўлган бўлса, 2011йилда бу кўрсаткич 1601 минг кишига етган, аҳолининг 60% дан ортиғини ёшлар ташкил этади. Урганч агломерацияси тараққиётида аграр-индустриал йўналишлар устунлик қилади ва унинг таркибининг 60-65% ини қишлоқлар ташкил этади.

Агломерация 3 та зонадан иборат **1-зона** марказий, **2-зона** ўрта ва **3-зона** ташқи зонадан иборат. Агломерация ядроси Урганч шаҳри; 1км² га 400 киши атрофида киши тўғри келувчи, ўқиш меҳнат алоқалар устун турувчи, радиуси 8-10 км гача бўлган, марказга жамоат транспортида қатнаш вақти 20-25 минутни ташкил этувчи **1-марказий зона** (19-рasm). Бундай урбанистик муҳитда Урганч шаҳрининг “яқин” йўлдош шаҳарлари ва қишлоқлари жойлашган. Жумладан “Наврўз” йўлдош шаҳарчаси ва Урганч тумани марказини мисол қилишимиз мумкин. Ушбу зонанинг бевосита Урганч шаҳрига туташ қисмида аҳоли ниҳоятда зич жойлашган. Жумладан Чаккашоликор, Инқилоб, Ғойбу, Юқоридўрман, Окмактаб ва Ўртабоғ қишлоқлари Урганч шаҳрига туташ аҳоли яшаш ҳудудлари бўлиб, меҳнат ва таълим алоқалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ва аҳоли алоқалари яхши ривожланган зоналардир. Бу аҳоли манзилгоҳлари сув, энергия, газ таъминоти, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда аҳоли алоқалари орқали Урганч шаҳри билан чамбарчас боғлиқ. Мисол учун Урганчдан жануб томонда жойлашган Ғойбу қишлоғи асосан полиз маҳсулотлари, кўкатлар ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етказиб беришда воҳада салоҳияти катта бўлиб, иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотлар билан шаҳар эҳтиёжларини қопламоқда. Аҳолисининг ўзига хос томони меҳнаткаш ва тадбиркор бўлгани учун шаҳар билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо-сотиқ қилиш ҳамда меҳнат алоқалари кучайиб бормоқда. Бу агломерацияда Урганч тумани маркази-Қоровул қишлоғи ва ривожланаётган Наврўз йўлдош шаҳарчасининг Урганчга ўзаро таъсири катта бўлиб сўнги йилларда бу шаҳарчалар ҳудудий жиҳатдан шаҳарга қўшилиб кўплаб функциялар бирлашиб кетмоқда. Қоровул қишлоғи туман маъмурий ва хўжалик маркази ҳисобланади. Бу ерда бозорлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва тиббий муассасалар ўз мавқеиغا эга ва Урганчга бу соҳаларда кўмаклашиб алоқалар чамбарчас боғланиб кетган. Наврўз йўлдош шаҳарчаси эса аввало аҳоли яшаш қисми сифатида ташкил қилинган эди кейинчалик ҳудудий жиҳатдан ўсиб Урганч шаҳри билан шаҳарча оралиғидаги қишлоқ хўжалиши зоналарини ҳам шаҳар қамраб олди. Хозирги даврда шаҳарнинг янги йўлдош шаҳарчаси сифатида Инқлоб аҳоли пункти ривожлантирилмоқда. Мазкур ҳудуддан шаҳар аҳолиси учун уй-жой қуришга ер майдонлари ажратилмоқда.

2 – зона ўрта зона бўлиб меҳнат ва ўқиш алоқалари сусайиб, маданий – маиший, савдо ва рекреация алоқалари устунлик қилувчи аҳоли зичлиги 1 км² га 300-350 кишини ташкил этувчи, марказдан 25 – 30 км радиусга эга бўлган



19-расм. Урганч агломерациясининг марказий қисми схемаси.

ҳудудларни ўз қамровига олган. Бу каби ягона урбанистик муҳитда Урганч шаҳрининг “узoқ” йўлдош шаҳарлар ва қишлоқлари жойлашган бўлиб, унинг чегаралари марказга қатнаш вақти 1 соатгача бўлган изоҳроналар – қатнаш вақти бир хил бўлган нуқталарни туташтирувчи чизиқлар ўтади.

Урганч шаҳридан 8 км масофада шимолда жойлашган Чoлиш шаҳарчаси ва 12 км жанубий-шарқдаги Хонқа шаҳри билан ишлаб чиқариш алоқалари ошиб бормoқда. Шаҳар ва агломерациялар ўзининг қулай географик ўрни, бой табиий ресурслар ва шарoитлари, ишчи кучи ва малакали кадрларнинг кўплиги, кенг истеъмoл бoзoрининг мавжудлиги, транспорт ва илмий-техник салоҳияти билан ўзига хoс инвестиция маконини ҳoсил қилади. «Шаҳар агломерациялари аҳоли жойлашуви ва иқтисодий фаолият кўринишлари жойлашувининг янги шаклидир»⁸.

Меҳнат ва ўқиш алоқаларининг ўртача ривожланган зоналарига Хива, Қўшқўпир, Шовoт, Янгибoзор, Хонқа шаҳри ва Бoғoт ҳамда Янгиариқ туман марказлари киради. Қoлган ҳудудлар Урганч тумани ва қисман Хонқа тумани

8. Петров Н.В. Городские агломерации: состав, подходы к делимитации / Проблемы территориальной организации пространства и расселения в урбанизированных районах. Москва. 1988.

аҳоли яшаш тизимларининг агломерация маркази билан боғлиқ тарзда мутаносиб ривожланишидан ташкил топган.

Агломерация ихтисослашувида унчалик кескин тафовутлар йўқ: Шимоли-ғарбий сектор қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ва пахта тозалаш саноати, ипакчилик, шoliчилик, ғарбий қисмлари пахтачилик билан бирга шoliчилик, озиқ овқат, пахта тозалаш, қурилиш материаллари саноати, қисман енгил саноат, чорвачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Жанубий ҳудудда Хива шаҳри кўпроқ туризм, ҳунармандчилик ва шу билан бирга пахта тозалаш, енгил саноат тармоқларига ихтисослашган. Унинг атрофидаги зоналар эса пахтачилик, боғдорчилик, полиз экинлари экишга ва қисман балиқчиликка ихтисослашган. Шунингдек бу жанубий зонада бир неча фойдали захиралар ойна қолиплаш учун кварц қуми, ғишт-черепица хом ашёси конлари мавжуд. Жанубий зонада жойлашган Янгиариқ Пахта ва уни қайта ишлаш билан бирга озиқ-овқат саноати, боғдорчилик, асаларичилик, чорвачилик ва қисман ҳунармандчиликка ихтисослашган. Жануби-шарқий минтақада жойлашган Боғот туман маъмурий маркази бўлиши билан бирга бу ерда асосан озиқ-овқат саноати кенг ривожланган. Боғот атрофи зоналари эса кўпроқ узумчилик ва боғдорчиликка йўналтирилган. Шарқий йўналиш Хонқа шаҳарчаси эса пахта тозалаш, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати асосида ривожланмоқда.

Кейинчалик шаҳарнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти ортиши ва шаҳар таъсир доирасининг кенгайиши билан агломерациянинг Хонқа шаҳарчасига таъсири янада кучаяди. Чунки Хонқа Урганч шаҳридан шарқ томонда асосий магистрал ҳудудда жойлашган яқин шаҳардир. Бу шаҳар туман маъмурий маркази бўлиши билан бирга пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати ва енгил саноат марказларидан биридир. Сўнги йилларда бу ерда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам жадал ривожланмоқда.

Шаклланаётган Урганч агломерациясининг шимолий қисмлари Амударё яқинида қўриқланадиган ҳудудлар ва дам олиш учун қулай зоналари мавжуд. Бу ҳудудлардан рекреация мақсадларида фойдаланиб келинади. Бир қатор “дала ҳовли” зоналари ташкил қилинган. Шунингдек Янгибозор туманидаги “Чўболанчи” ва “Бошқирших” қишлоқлари ҳудудида Амударё бўйлаб сақланиб қолган ягона, 480 гектар бўлган тўқайзорга “Табиат ёдгорлиги” мақомини бериб, сақлаб қолиш юзасидан Янгибозор тумани ҳокимлигига таклиф киритилган. Амударёга туташ ҳудудларда бир неча шифобахш минерал сув булоқлари мавжуд бўлиб улар яқинида санаториялар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол қилиб Хонқа санаториясини келтиришимиз мумкин. Урганч туманининг шарқий қисмлари кўпроқ чорвачиликка йўналтирилган бўлиб, наслдор зотдаги қорамолларни кўпайтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Қолган ҳудудлар асосан суғорма деҳқончиликга ихтисослашган. Урганч шаҳридан жанубий-ғарб томонда паррандачиликка ихтисослашган ҳудудлар мавжуд. Шунингдек асаларичилик зоналари вужудга келган бўлиб уларнинг самарадорлигини янада ривожлантириш керак. Урганч туманининг Қўшқўпир тумани билан чегарадош ҳудудларида силикат буюмлар ишлаб чиқариш учун қум захиралари конлари мавжуд бўлиб, шу орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини янада ошириш имкониятларига эга.

Изланишлар натижасида аҳоли ва шаҳарлар жойлашувида ўзига хос қонуниятлар мавжудлиги аниқланди. “Марказ –атроф” йўналишларида ўтказилган ҳар 10 км ли халқалар ичида йўлдош шаҳарлар жойлашуви шуни кўрсатадики, Урганч шаҳрининг тортувчи кучи таъсири остида унинг яқин атрофида шаҳарлар унча катталашмайди, ундан узоқлашган сари 3-халқада шаҳарга аҳолининг тортилиши камаяди ва бу ерда меҳнат қилиш ва ўқиш учун марказга қатнаш алоқалари камайиб, аҳолининг кундалик қатнови учун талаб даражасидаги катта шаҳарга эҳтиёж сезилади. Шунингдек, шаҳар таъсири остида унга яқин жойлашган шаҳарлар тор ихтисослашган, узоқлашган сари эса уларнинг функциялари такомиллашиб боради. Жумладан урганчдан 60 км узоқликда жойлашган Хазорасп шаҳрининг функциялари ҳам кейинги йилларда такомиллашиб бормоқда. Шаҳар географик ва транспорт жиҳатидан қулай ерда жойлашгани унинг иқтисодий ривожланишига туртки бўлди. Бу ерда улгуржи бозорлар бўлиб товар айланмаси катта, қолаверса халқининг пухта тадбиркорлиги муҳим омил ҳисобланади. Амударёнинг нарига соҳилида Урганчдан 17км узоқликда жойлашган Беруний шаҳри билан ҳам кунлик алоқалар ривожланиб бормоқда. Бунга сўнги йилларда Амударё узра қурилган янги кўприк катта туртки бўлмоқда, олдинлари пантон кўприк бўлиб ундан ўтиш жуда ноқулай эди. Урганч шаҳри марказидан Беруний ва Тўрткўл автобус маршрутлари қўйилган бўлиб аҳоли асосан маданий-маиший, савдо ва бошқа ишлар юзасидан қатнашади. Беруний шаҳри аҳолиси 100 мингга яқин бўлиб жуда қулай транспорт тугунида жойлашган. Бу шаҳар саноатида озиқ-овқат, енгил, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва пахта тозалаш саноати етакчилик қилади. Унинг атрофида пахтачилик, дончилик, полизчилик, боғдорчилик, ипакчилик ва сут-гўшт чорвачилига зоналари мавжуд.

Ўзбекистонда шаҳар агломерациялари бозор ислохотларини амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Республикамиз мустақилликка эришгач ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қатор ўзгаришлар юз берди, шаҳарларга бўлган муносабат ва ёндошувлар ҳам ўзгарди. Жумладан, 90 – йилларга қадар шаҳар агломерациялари вужудга келишининг негизини саноат ишлаб чиқариши ташкил этиб, мақсад энг аввало иқтисодий самара олишга қаратилган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларга бўлган муносабатлар ўзгача тус

олди. Турли соҳалардаги эркин рақобат, ер ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, кичик шаҳар ва шаҳарчаларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, ягона меҳнат бозорини ташкил этиш каби муаммоларни изчил ҳал қилиш шаҳар агломерацияларига янгича қарашни талаб этади.

Саноат ишлаб чиқариши ҳиссаси бир маромда ўсиб бораётган бўлсада, у шаҳар ва уларнинг тизимларини ҳосил қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Шаҳар агломерациялари асосий саноат марказлари атрофида шаклланган бўлиб бу ҳудудларда мамлакатимиз саноат ишлаб чиқаришининг 74 фоизи яратилади.

Саноат тармоқларининг ўзаро уйғунлашуви, бир-бирини тўлдирувчи хусусиятлари ҳам айнан шундай иқтисодий маконда юзага келади. Лекин Урганч агломерацияси кўпроқ енгил саноат тармоқларига ихтисослашган

Урганч агломерацияси ривожланишининг асосий муаммолари шундаки агломерация ўзига ҳос бўлган социал-иқтисодий ва экологик муҳит ҳисобланади. Шу сабабли, бундай нисбатан кичик ҳудудда бозор муносабатлари шароитида қуйидаги муаммоли вазиятлар юзага келмоқда:

1). Урганч шаҳрининг қулай географик ўрни, маъмурий марказлиги йиллар давомида унинг ривожланишига ва функцияларининг такомиллашиб, демографик ва ҳудудий жиҳатдан ривожланиб боришини таъминлаган. 130 мингдан ортиқ аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, қатор умумвилоят вазифаларини бажариши бундан кейин ҳам унинг ривожланиб боришини тақозо қилади. Лекин, шаҳар ва унинг атрофларида чекланган сув, унумдор қишлоқ ҳўжалик ҳудудлари, рекреация ресурслари, кескин экологик вазиятлар бунга имкон бермайди ва муаммоларнинг янада жиддийлашувига олиб келиши мумкин.

2). Мустақиллик йилларида агломерацияда ўзига хос демографик вазият шаклланди: аҳоли ўсиши бирмунча сустлашди, миграция ва меҳнат миграцияси жараёнлари фаоллашди. Шунга қарамай қишлоқ аҳолиси ҳисобига аҳоли сони ортиб бормоқда. Урганч шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва илмий салоҳияти вилоят аҳолисини тобора ўзига кўпроқ жалб этади. Бу эса агломерацияга демографик босимни янада кучайтиради. Натижада, аҳоли жойлашуви, аҳолини иш, уй-жой билан таъминлаш, транспорт тизимини яхшилаш каби ижтимоий муаммолар келиб чиқмоқда.

3) Марказий шаҳар аҳолиси сўнгги 70 йил ичида олти марта ортди, тўрт барабар катталашиб унинг экстенсив ҳолда атрофга кенгайиб бориши давом этмоқда. Бу агломерациянинг долзарб муаммоларидан бири шаҳарнинг экстенсив кенгайиши, асосан қишлоқ ҳўжалиги ерлари ҳисобига аҳоли учун якка тартибдаги уйларнинг қурилиши натижасида юз бермоқда. XX аср охирида

Урганч туманининг қишлоқ хўжалик ерларига интенсив кириб бориши экин майдонларининг қисқаришига олиб келди. Урганч шаҳри ҳудудида бўш ерлар деярли қолмаган ва уй жойга, ерга бўлган талаб ортиб бормоқда. Баъзи бир жойларда турли объектларнинг дуч келган жойларга тартибсиз қурилиши экологик – шаҳарсозлик муаммоларини келтириб чиқармоқда.

4) Агломерация ва унинг ядросининг демографик, функционал, ҳудудий ва экологик муаммолари замон талабларига мос туман режалаштиришни ишлаб чиқишни талаб этади. 2012 йилда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” томонидан Урганч шаҳрининг 2030 йилгача ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу билан долзарб муаммолар ўз ечимини топади.

5) Урганч шаҳри Орол бўйи ҳудудида жойлашганлиги учун мураккаб экологик шароит вужудга келган. Хавода ва ерда зарарли тузларнинг кўпайиши, сувнинг ифлосланиши, транспорт ва саноат чиқиндилари муаммолари вужудга келган. Айрим эски саноат корхоналари ишламаётган бўлсада қаровсиз ҳолда қолиб кетган. Тупроқнинг шўрланиши ва ер ости сувларининг кўтарилиб кетиши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига салбий таъсир кўрсатиб бунинг натижасида аҳоли ўртасида ҳар хил касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Агломерацияда қишлоқ хўжалик ерлари чекланган ва кўп қисмининг унумдорлиги пасайган. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигида мавжуд суғориладиган ерлардан юқори ҳосил олиш технологияларини жадал қўллашни тақозо қилади.

6) Урганч шаҳрининг асосий жиҳати унинг вилоят маркази ва меҳмонларнинг воҳага “кириш дарвозаси” бўлганлигидир. Шунинг учун давлатимиз томонидан Урганч ҳалқаро аэропорти ва темир йўл вокзалининг қиёфасини миллий анъаналарга мос қилиб реконструкция қилинди ва шаҳарнинг марказий кўчалари қиёфасини буткул замон талабларига ва миллий меъморчиликни уйғунлаштирган ҳолда ривожлантирилмоқда. Ноқонуний ва ўзбошимчалик билан қурилган шаҳар қиёфасини бузувчи қурилмалар тартибга солинмоқда.

7) Урганч агломерациясида долзарб муаммолардан яна бири инженерлик коммуникацияларининг тўлиқ ишламаслигидир. Жумладан электр энергияси, газ таъминотида ва узилишлар бўлиб туради, баъзи бир кўп қаватли уйларда сув босими паст. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан бу муаммоларни бартараф этиш учун маблағлар ажратилмоқда. Инженер коммуникация тизимини реконструкция қилиб қайта тикланувчи энергия манбалари қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3 боб. Урганч шаҳри функционал ҳудудий таркиби ривожланишини тартибга солиш масалалари.

3.1. Хоразм вилояти туманлаштиришда Урганчнинг марказий шаҳар сифатида ривожланиш омиллари.

Урганч шаҳрининг вилоят маркази вазифаларидан келиб чиқиб, келгусида унинг функционал ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришни бир неча босқичда амалга ошириш мумкин:

1) Урганчнинг ҳудуд, сув, рекреация ресурслари, экологик ва шаҳарсозлик имкониятларидан келиб, истиқболда маъмурий, ижтимоий, иқтисодий, молиявий, маданий-маърифий ва илмий функцияларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

2) Шаҳар экологиясига салбий таъсир қилаётган саноат корхоналарини шаҳар ташқарисига чиқариш ёки модернизация қилиб тўла қувват билан ишлашини таъминлаш, янги саноат зоналари учун жойлар ташкил қилиш, корхоналар банд этган бўш ётган ҳудудлардан унумли фойдаланиш, ихтисослашуви мос келмайдиган ҳудудларга кераксиз объектларни қурмаслик, шаҳар транспорт тизимини яхшилаш ва корхоналарга тозаловчи экологик инфратузилма қурилмаларини ўрнатиш самарали шаҳар санитар ҳолатини яхшилайдди.

Хоразм вилояти туманни режалаштириш тузилмаси асосан суғорма деҳқончилик зоналари, чўл яйлов зоналари ва қисман қўриқланадиган паст текислик ҳудудларидан иборат. Марказий шаҳарларда саноат ва маъмурий- хўжалик зоналари мавжуд бўлиб, шу функциялардан келиб чиқиб аҳоли жойлашуви турлари вужудга келган. Қишлоқ хўжалик зоналарида уларга хизмат қилувчи аҳоли ареаллари пайдо бўлган. Вилоят туманни режалаштиришда ҳалқ хўжалик соҳаларини комплекс жойлаштириш, марказий шаҳар бўлган Урганчнинг ўсишини тартибга солиш ва аҳоли пунктлариаро маданий-маиший муаммоларни ҳал қилишни мақсад қилиш керак. Туманни режалаштириш вазифаларига хавони, сувни ва тупроқни саноат чиқиндилардан химоя қилиш, шаҳар шовқини даражасини пасайтириш ва яшил ўсимликларнинг санитар-гигиеник эффективлигини ошириш кабилар киради.

Урганчни марказий шаҳар сифатида ривожлантиришда қуйидаги асосий омиллар таъсир қилади:

- 1) Урганч шаҳри вилоятнинг бош транспорт тугуни, яъни бу ерда ҳалқаро аэропорт, темир йўл вокзали ва транспорт тизими имкониятлари;
- 2) Шаҳар вилоятнинг йирик маърифий, илмий, маркази бўлиб бу ерда 1 та

Университет, 2та институт ва 12 та коллеж мавжуд. Келажакда шаҳарнинг илмий-маърифий салоҳиятини янада ривожлантириш;

3) Шаҳарда 80 дан ортиқ саноат корхонаси бўлиб улар асосан машинасозлик, озиқ овқат саноати, енгил саноат ва кимё саноати тармоқларига ихтисослашган. Қолаверса, Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноат салоҳиятини ошириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Урганчдаги «Хоразм автомобил ишлаб чиқариш бирлашмаси» базасида вилоятда биринчи марта «дамас» русумли автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бунинг натижасида вилоятда автомобилсозлик саноати ривожлантирилади ва кўплаб иш ўринлари яратилади;

4) Урганч шаҳрининг илмий-инновацион салоҳияти, малакали кадрлари ва технологик имкониятларидан келиб вилоятда етиштирилган пахта ва қайта ишланган бошқа маҳсулотлардан рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш шу асосда шаҳарни енгил саноат ва замонавий мода маркази сифатида ривожлантириш;

5) Шаҳарни бозор иқтисодига мослаштириб иқтисодий ва молиявий марказлардан бири сифатида ривожлантириш;

6) Шаҳарнинг туризм имкониятлари ҳам катта, жумладан 1та йирик «Жайхун» меҳмонхонаси, «Хоразм Палас» ва бошқа хусусий меҳмонхоналар мавжуд, қолаверса Урганч Ҳалқаро аэропортидан кўплаб мамлакатларга тўғридан тўғри авиарейслар қатнамоқда, шу омилларни ҳисобга олиб туризм соҳасини ривожлантириш;

7) Вилоят маркази сифатида маданий-маиший функциясини ривожлантириш;

Шаҳарда саноат зонаси жанубий қисмда жойлашган бўлиб деярли хама йирик ишлаб чиқариш объектлари шу ерда жойлашган. Шаҳарнинг логистика имкониятларинидан унумли фойдаланиш керак. Вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида хорижий мамлакатларга экспорт қилиш имкониятлари мавжуд. Шундай бўлсада айрим сабабларга кўра бу имкониятлардан фойдаланилмаяпти. Вилоят республика ташқи савдо айланмасининг 1,4, экспортининг 1,9 ва импортининг 0,6 фоизи тўғри келади, холос (2006 й.). Худуднинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб уни комплекс ривожлантириш керак. Маданий – маиший объектларни функционал қисмларга бўлиб жойлаштириш, шаҳарга келувчиларнинг кунлик, хафталик ва ойлик миграциясини ҳисоблаш, дам олиш зоналарининг ташкил қилинишида табиий муҳитни ҳисобга олиш зарур. Марказий кўчаларимизда қурилган янги маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларининг архитектуравий қиёфаси ва шаҳардаги

функцияси узоқни кўзлаб қилинган ишлардир. Туризм имкониятларидан кенг фойдаланиш, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва эҳтиёждан келиб чиқиб янги туристик зоналар ташкил қилиш ҳамда меҳмонхоналарнинг классификациясини кўтариш, миллий меъморлик анъаналари ва мукаммал замонавий архитектуравий ечимларни топиш лозим. Хивани кўришга келган сайёҳлар бизнинг тарихимизга назар солса, Урганч шаҳрини кўриб бугунги шаҳарсозлигимизга баҳо беради.

3.2 Урганчнинг катта шаҳарларга хос урбанистик тамойиллари.

Урганч шаҳри бошқа катта шаҳарларга ўхшаб кўп тармоқли функцияларни бажаради. Аҳоли сонининг ортиши ва ер ресурсларидан фойдаланишда ўзига хос вазият юзага келади. Натижада йўлдош шаҳарчаларга эҳтиёж ортади. Катта шаҳарларга хос аҳоли зичлиги ошади, турли функциялар концентрацияси юзага келади. Урбанизациялашув оқибатида коммуникациялар зичлиги ошади. Бу ҳам урбанизация даражасини кўрсатади. Урбанизацион муҳит тушунчаси Архитектор ва шаҳарсоз қизиқишлари соҳаси билан боғлиқ. Бир томондан – бу ер, ҳудуд, бошқа томондан бу инсон фаолиятининг натижаси: қурилиш, шаҳарларни ташкил қилиш, транспорт ривожланиши. Шаҳар табиий муҳитга қандайдир босим ўтказди, бу қарама-қаршилик натижасида турли муаммолар юзага келади. Урбанизация дастлаб меҳнат тақсимотидан келиб чиққан. 100 минг кишидан ошган шаҳарларда албатта ўзига хос урбанистик ҳаёт тарзи шаклланади.

Урганчнинг тархий таркиби биринчи навбатда шаҳар каркаси билан боғлиқ. Урганч шаҳарининг каркаси Ўзбекистондаги кўплаб шаҳарларга ўхшаб радиал ҳалқавий тизимда шаклланган (21-расм). Шунингдек Шовот канали ҳам шаҳарнинг табиий каркаси вазифасини бажаради. Жанубий қисмдан ўтган темир йўлнинг тархий таркибга таъсири катта. Шаҳарнинг тархий таркибида шаҳар бутун бир организм сифатида унинг ҳар хил қисмлари билан боғлиқ бўлади. Урганч шаҳри асосан 6та йирик қисмга бўлинган бўлиб, шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий, жануби-шарқий, жануби-ғарбий, шаҳар маркази ва жанубий саноат зоналарига бўлинган бўлиб, шаҳар аҳолисининг хусусий турар жойларда яшовчи қисми жануби-ғарбий ва шимоли-ғарбий зонада, кўп қаватли турар жойларда яшовчи аҳоли эса шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Асосий магистрал кўчаларда турли хил марказлар, транспорт тугунлари вужудга келган жумладан “Урганч буюм бозори” шаҳарнинг ғарбий қисмида Урганч-Шовот йўлида, “Чолиш дехкон бозори” эса шарқий қисмда Урганч-Беруний йўлида шаклланган. Саноат зоналари эса қулай бўлиши учун темир йўл ёқасида жойлаштирилган.

Шаҳарни тархий ривожлантиришда йўлдош шаҳарлар чиқариш тамойили асосда ривожлантирилмоқда, аммо йўлдош шаҳарларнинг марказий шаҳарга яқинлиги ва улар орасидаги ер майдоннинг интенсив, режасиз ўзлаштирилиши натижасида шаҳар ва йўлдош шаҳарлар бир бирига қўшилиб, яхлитлашиб кетмоқда (20-расм). Маълум бир чегаралар, очик майдонлар, яшил зоналар ташкил қилинмаяпти. Илгари қишлоқ хўжалик ерлари ва ўзига ҳос ўсимлик ва ҳайвонот олами тизими бўлган ҳудудлар йўқолиб бормоқда. Бу келажақда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Аслида йўлдош шаҳарлар коцепциясида марказий шаҳарларлар атрофида комфорт табиий муҳит яратиш мақсад қилинади. Бундай йўл орқали Буюк Британияда кўплаб йирик ва катта шаҳарларнинг ривожланишини таъминлашга уринишган. Шунингдек, Париж, Стокгольм, Хельсинки ва бошқа шаҳарлар ривожланиш дастурида ҳам йўлдош шаҳарлар қурилган⁸.



20-расм. Урганч ва унинг йўлдош шаҳарчалари ҳудудий ўсиши таҳлили.

Кўча-йўл тармоғи ва шаҳар транспорти аҳоли ва юкларнинг ҳаракатини таъминлайди. У шаҳар тархий таркибида умумий режавий таркиби ва шаҳар ўлчамларига, қисмларининг ўзаро жойлашувига боғлиқдир. Транспорт инфраструктураларининг вазифалари шаҳар функционал элементлари (тураржой туманлари, ишхоналар зоналари, ҳар хил категориядаги марказлар, дам олиш жойлари)нинг ўзаро алоқасини бир мақсадда рационал таъминлаш ва уларни ривожлантириш⁹. Сўнги йилларда Урганчда ижтимоий – иқтисодий


⁸. З.Н.Яргина ва бошқалар. «Основы теории градостроительства». Москва.Стройиздат.1986. 69- б.

⁹. З.Н.Яргина ва бошқалар. «Основы теории градостроительства». Москва.Стройиздат.1986. 75- б.

ривожланишлар натижасида транспорт воситаларининг сони ошиб бормоқда. Бу бир томондан бу яхши бўлса иккинчи томондан йўлларда ҳаракатнинг мураккаблашуви, тирбандлик, хавфсизлик ва шаҳар атмосферасининг ёмолашувига олиб келади. Шу сабабли бир неча сатхли кесиб ўтиш йўллари, кўприклар, транспорт қурилмаларини тўғри жойлаштириш керак. Транспорт тизимини янада такомиллаштириш мақсадида шаҳарда сўнги 2 йил ичида улкан реконструкция қилиш, йўлларни кенгайтириш, текислаш ишлари комплекс равишда олиб борилмоқда. Марказий кўчаларга тушадиган транспорт босимини назарда тутиб автомобиллар турар жойлари ташкил қилиниши режалаштирилган. Ҳаракат тезлигини ошириш билан бирга хавфсизлик, қулайликни таъминлаш, шаҳарнинг барча элементлари билан боғлиқ ҳолда ривожлантириш керак.

Катта шаҳарлар кичик шаҳарларга қараганда анча ривожланган магистрал тармоққа эга бўладилар: магистралларда юк ташилади, турар жой туманлари ва саноат ишлаб чиқариш туманлари, шаҳар марказлари, туман ва маҳаллий аҳамиятидаги кўчаларда ўзаро тўхтовсиз ҳаракат давом этади. Магистрал кўчаларнинг асосий ривожланганлик кўрсаткичи тармоқ зичлиги ҳисобланади.

Радиал-ҳалқавий схема ҳаракатни ташкил қилишда ихчам ва қулай схемалардан биридир. Лекин бу схемада шаҳарнинг ўсиши билан шаҳар марказига босим ортади, шунинг учун қўшимча ечимлар излаш керак. Шунда шаҳарнинг ҳаётий функцияси бўлган транспорт ҳаракатни тартибли ташкил қилиш мумкин.



21-расм. Урганч шаҳрининг асосий транспорт каркаси.

Шаҳардаги тураржой туманлари масаласи ҳам долзаб вазифалардан биридир. Турар жой туманларида аҳоли уйлари, жамоат марказлари ва аҳоли дам олиш зоналаридан иборат. Турар жой туманларини шакллантиришнинг умумий тамойиллари шундан иборатки аҳоли учун максимал қулайликлар билан таъминлаш, қолаверса уни ижтимоий-маданий ва маиший эҳтиёжларини, шаҳар ер ресурсларидан оқилона фойдаланилган ҳолда таъминланади.

70-80 йилларда бир бирига ўхшаш кўп қаватли уйлар қурилиб унинг бизнинг иқлим шароитларимиз, менталитетимизга мос келиши инобатга олинмаган эди. Қозонхоналар ва коммуникациялар ноқулай, кўпол равишда жойлаштирилган. Мустақиллик даврида шаҳарда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқди. Янги боғлар, болалар дам олиш зоналари барпо этилди. Йўллар тартибга келтирилди, маъмурий ва ўқув бинолари қад кўтарди. Бироқ, архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун-қоидаларга зид равишда шаҳар бош режасини кўпол равишда бузиш, ажратилган ер участкаларида қурилиш ишларини охирига етказмасдан чала иморатлар билан шаҳар кўркини бузиш, ҳимоя чегаралари зонасида ўзбошимчалик билан қурилиш олиб бориш, йўлаклар ва яшил ҳудудларига рухсатсиз чиқиб кетиш ҳоллари учрамоқда. Шу масалаларни тартибга солиш мақсадида кўп қаватли уйлар атрофида ноқонуний қурилган бино ва иморатлар, девор тўсиқларини бузиб ташлаш ва уй атрофида эгаллаб олинган ер майдонларини бўшатиш, кичик даҳалар ҳудудидаги йўл бўйларида жойлашган майда савдо нуқталарини бартараф этиш, кўчаларда, йўл бўйларида кўпқаватли уйлар атрофида бузиб ташланган ноқонуний равишда ўрнатилган реклама ва афишаларни олдириб ташлаш чоралари кўрилмоқда. Кейинги йилларда Урганч шаҳрининг айрим кўчаларида шаҳар ташкилотлари ҳисобига анча-мунча ишлар қилинди., шунингдек Жалоладдин Мангуберди, Авесто мажмуалари, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий боғлари барпо этилди, марказий майдон ободонлаштирилди. Шаҳар марказидаги кўчалар кенгайтирилди, турли-туман паннолар, реклама қурилмалари, бино иншоотларни юқори сифатли пардозлари, янги ёритқичлар, скамейкалар, болалар майдончалари, спорт жиҳозлари, кичик архитектура формалари. Капитал қурилишни режалаштириш бугунги кунда миллий иқтисодиёт миқёсида (давлат режалари), тармоқлар миқёсида шу жумладан қурилиш соҳасида, ҳудудлар миқёсида ва хўжалик субъектлари миқёсида қурилиш дастурларини шакллантириш режалари ва уларни амалга ошириш механизминини белгилаб бориш шаҳарларда катта имкониятларни очиб беради. Бундан ташқари, 70 та кўп қаватли уй-жой капитал ва жорий таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди.

Тураржой туманлари бир неча микрорайонлардан ташкил топади ва аҳолига хизмат қилади. Улар магистраллараро ҳудудларда жойлаштирилади. Урганчда бир неча микрорайонлар ўзига ҳос тизимни ҳосил қилиб ажралиб туради. Урганч

шаҳрини ривожлантиришда кўп қаватли тураржой туманлари қуриш долзарб вазифалардан биридир. Турар жойларнинг 70 фоизи якка тартибдаги уйлар ҳисобланади. Шунинг учун шаҳар ҳудудий горизонтал жihatдан тез ўсмоқда, ваҳоланки шаҳарни вертикал ўстириш биринчидан ихчам бўлиб ер ресурсларини тежаса иккинчидан шаҳар марказида кўчмас мулкларнинг арзонлашувига олиб келади.

Урганч вилоят маркази бўлганлиги учун унинг таркибида жамоат марказларининг роли катта. Муҳтарам Президентимизнинг меъморий таклифлари асосида шаҳарнинг марказий майдони янгидан барпо этилди. Унда Ал-Хоразмий ҳайкали қад ростлади. Урганч куранти узоқ яқиндан кўриниб туради. Майдонда ўзига хос ландшафт архитектурасидан элементларидан фойдаланилди ва микроиклимни яхшилаш мақсадида фавворалар ўрнатилди. Марказий майдонни айланиб ўтувчи халқа йўл юзага келди. Бу автомобиллар ҳаракатини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қирғизёп каналига автотранспорт ва пиёдалар учун темир бетон кўприги қурилди. Шаҳарнинг хушманзара ҳудудлари, Шовот канали бўйларида барпо бўлган боғ мажмуалар шаҳарнинг микроиклимини яхшилади. 2011 йилнинг май ойида вилоятда ўтказилган сайёр йиғилиш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2011 йил 13 апрелдаги №05-41-3 сонли йиғилиш баёнига асосан Урганч шаҳрининг марказий қисмини 2011-2012 йиллар давомида реконструкция қилиш дастури тасдиқланди. Дастурга асосан марказий кўча бўлган Ал-Хоразмий кўчасини реконструкция қилишда кўндаланг қирқим ўлчами 40 метрга кенгайтирилди, қурилмаларнинг оралиғи 60 метрга кенгайтирилди. Бу кўчада 12 та 4-5 қаватли турар жойлар, 3 қаватли 1 қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларига 2 ва 3 қаватлари турар жойларга мўлжалланган бинолар қурилди ва янги маданий-маиший хизмат кўрсатиш зонаси ташкил қилинди. Шунингдек йўл ва коммуникация тизимлари реконструкция қилинди. Бу ерда савдо дўконлари, умумий овқатланиш, банк молия бинолари ҳам очилди. Жами 28 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ҳамда кўплаб турар жойлар қурилган. Давлатимиз томонидан Урганч шаҳрининг меъморий қиёфасини яхшилаш борасида кенг кўламдаги ишлар комплекс равишда олиб борилмоқда.

Шаҳарда кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам жадал ривожланмоқда. Жумладан “Ёшлар кўли” боғининг муҳандислик коммуникациялари инфратузилмасини янгидан барпо этиш кўзда тутилмоқда. Ушбу ҳудуддаги “Кичкинтойлар боғи”да очик сув ҳавзаси қуриш, замонавий аттракционлар ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари Урганч шаҳрининг марказий қисмини реконструкция қилиш дастурига асосан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида “Қурилиш ва шаҳарсозлик ишларида

Хоразмнинг ўзига табиий иқлим шароитини эътиборга олиш лозим” деган эди. Ер остидаги сувларни қочириш, унинг сатҳини пасайтириш, коллекторлар тизимини такомиллаштириш зарур. Шу билан бирга ландшафт архитектурасидан кенг фойдаланиш, кўкаламзорлаштириш ишларини воҳа тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб тизимли ташкил қилиш, шаҳарни ривожлантириш йўлидаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жараёнида эътибор марказида бўлиш даркор.

Шаҳарнинг саноат зонасидан оқилона фойдаланиш уни реконструкция қилиш лозим. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда унинг санитар-гигиеник жиҳатларига эътибор бериш орқали уни саноат зонасида ва шаҳар таркибида шакллантириш керак. Саноат районларини санитар зарарлиги жиҳатдан синфларга ажратиб жойлаштирилади: тураржой ҳудудидан узоқда, тураржой ҳудуди чегарасида ва тураржой ҳудуди ичида. Урганчда бир қанча саноат корхоналари олдин шаҳар чеккасида бўлган лекин шаҳарнинг кенгайиши натижасида ҳозирги кунда шаҳар марказида қолиб кетган. Шундай корхоналардан Вино заводи бошқа жойга кўчирилди. Шунингдек ипак фабрикаси ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини шаҳарда жойлашувини кўриб чиқиш керак. Санитар-гигиеник талабларга мос келмаса янги саноат зоналарига кўчириш керак. Шаҳарда кичик цехлар, устахоналар ва зарарли даражаси кам саноатни қолдириш керак ва уларни лойиҳалашда санитар ҳимоя зоналарига алоҳида эътибор бериш керак.

Шаҳар омборхона зонаси шаҳар ҳудудининг 1.5-2% ни ташкил қилади. Катта шаҳарлардаги каби бундай зоналар асосан эҳтиёждан келиб чиқиб, Урганч шаҳрининг темир йўлга ва саноат зонасига яқин қисмида жойлашган. Юкларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатишда уларни турларга ажратиб алоҳида ёндошилади. Махсус музлаткичлар, ер ости иншоотлари шулар жумласидандир. Шаҳар ташқи транспорт объектлари транспорт турига қараб ўзига ҳос ихтисослашган транспорт (темир йўл, автомобил, ҳаво ва дарё) турларига бўлинади. Шаҳар ташқи траспорти йўловчиларни ва юкларни шаҳар атрофи, маҳаллий ва узоқ жойларга ташишда хизмат қилади ҳамда шаҳар ва шаҳарлар аро алоқаларни йўлга қўяди. Урганч шаҳрида Ҳалқаро аэропорт, темирйўл ва автовокзалининг аҳамияти катта. Ташқи транспорт элементлари шаҳар ташқарисидаги юк ташиш билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш зоналарига жойлаштириш мумкин. Чунки бу шаҳар ҳудудида транзит ҳаракатини олдини олади ва шаҳар ҳавосининг ифлосланишини ва шовқинни камайтиради. Шаҳар ҳаёти унга тутатиб турган ҳудудлар билан узлуксиз боғланган. Бу ерга шаҳарсозлик ва санитарлик жиҳатлари бўйича шаҳарнинг ўзида жойлашиши мумкин бўлмаган шаҳар коммунал ва транспорт иншоотлари, айрим саноат корхоналари жойлаштирилади. Бундан ташқари бу ерда шаҳар аҳолиси истеъмол

қиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади, шунингдек шаҳар аҳолисининг бир қисми жойлашади ва дам олиш, байрам кунлари оммавий дам олишлар ташкил этилади. Шунинг учун 100 минг ва ундан ортиқ аҳоли сонига эга бўлган шаҳарни унинг атрофидан ажралган ҳолда лойиҳалаш мумкин эмас ва шаҳарларнинг бош режаларини тузиб чиқиш жараёнида шаҳаролди режалаш лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқиш зарур¹⁰. Урганч шаҳрида ўзига хос урбанистик жараёнлар кечмоқда ва булар биринчи навбатда бозор иқтисодиёти шароитида турли ижтимоий иқтисодий ривожланишлар, маъмурий бошқарув соҳаларидаги ўзгаришлар, ер ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ.

3.3 Қуйи Амударё урбанистик минтақаси доирасида Урганчнинг ўрни.

Мустақил Ўзбекистон миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашда унинг геосиёсий тизимининг узвий қисми бўлган ҳар бир минтақанинг ўзига хос муносиб ўрни бор. Шу жиҳатдан Қуйи Амударё урбанистик минтақаси ҳам республика миқёсидаги ҳудудий меҳнат тақсимоотида саноат ва қишлоқ хўжалигининг баъзи тармоқларига ихтисослашуви асосида алоҳида ажралиб туради.

Минтақа Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан таркиб топади. Майдони бўйича Ўзбекистон ҳудудида ажратилган 6 та асосий урбанистик минтақанинг энг йириги ҳисобланади. Унинг майдони 172,6 минг кв. км. ёки республика ҳудудининг 38,4 фоизини ишғол қилади. Аммо минтақанинг деографик сиғими унча катта эмас – бу ерда 3060,5 минг киши яшайди (жами мамлакат аҳолисининг атиги 11,5 фоизи, 2007 йил). Районнинг географик ўрни унинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш йўналишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Биринчидан, Қуйи Амударё Ўзбекистон Республикасининг шимоли – ғарбий чеккасида, мамлакатимизнинг асосий марказларидан узоқда жойлашган. Демак, узоқда, айни вақтда республикаимизнинг чет давлатларга чиқиш ва унга хориждан кириш қисмларидан бирида ўрнашган. Минтақанинг географик жиҳатдан узоқдалиги ва, бинобарин, транспорт ҳаражатларининг кўплиги унинг: Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг мумкин қадар комплекс ташкил этилишини, узоқда жойлашганлик эса маълум маънода иқтисодий жиҳатдан мустақил ривожланишини;

Республика меҳнат тақсимооти доирасида бозорга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувини;

Мамлакатимиз учун муҳим, ноёб ва стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларнинг ривожланишини тақозо этади¹¹.

¹⁰. Латипов Д.В. Мирзаев М.К. “Ўзбекистон республикаси шаҳарсозлиги асослари” Т.2000.346

¹¹. Солиев А., Қурбонов Ш. “Қуйи амударё минтақасининг иқтисодий географик муаммолари”.

Иккинчидан, Қуйи Амударё минтақасининг мамлакатимизнинг чеккасида, хорижий давлатларга чиқиш (кириш) нуктасида жойлашганлиги:

Унинг транзит имкониятларидан самарали фойдаланишга;

Халқаро бозорга мўлжалланган экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқишга;

Чегаранинг боғловчи (контакт) салоҳиятидан фойдаланиб, эркин иқтисодий минтақаларнинг турли йўналишларини шакллантиришга қулай шароитлар яратади.

Шу билан бирга минтақа ўз номи билан Ўрта Осиёнинг тарихий ривожланишида катта аҳамият касб этган Амударё (Окс)нинг қуйи қисмида жойлашганлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Бир вақтлар, яъни дарё цивилизация ва суғорма деҳқончилик маданиятининг ривож топган даврида бу гидрографик омил ҳозирги минтақа ҳудудини, хусусан қадимий Хоразмни чиндан ҳам азиму-азиз, машҳур қилган, уни жаҳоннинг савдо ва фан тараққиётининг марказларидан бирига айлантирган. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, агар Миср ўзининг тарихий оламшумул аҳамияти билан нақадар Нил дарёсига боғлиқ бўлган бўлса, Хоразм (бу ерда у ҳозирги маъмурий вилоят мазмунида эмас, кенг, тарихий-географик маънода) ҳам шунчалик Окс дарёсидан миннатдор бўлган. Бир юнон файласуфи Мисрни Нилнинг тухфаси деб таърифлаган, биз ҳам Хоразмни Окснинг совғаси, деб аташимиз мумкин¹².

Бироқ, кўрилаётган минтақа ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда Қуйи Амударё, яъни Амударёнинг қуйилиш қисмида эканлиги ҳатто бироз шубҳали кўринади. Биринчидан, бу дарё деярли қуйилмаяпти, Орол денгизи ундан “қочаяпти”; иккинчидан, минтақанинг катта қисми, хусусан Устюрт ва ўнг соҳилда жойлашган ҳудудларга дарёнинг таъсири йўқ даражада, аммо уларга қуриб, тобора чекиниб бораётган Оролнинг экологик таъсири кучаймоқда. Шу жиҳатдан минтақанинг айнан Оролбўйида ва унинг таъсир доирасида жойлашганлиги бу ҳудуднинг ривожланиш стратегиясини аниқлашда, туташ давлатларнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда, айниқса ижтимоий манфаатларга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантиришда, экологик инфратузилмани шакллантиришда ҳисобга олишни зарур қилиб қўяди.

Демак, узоқ тарихий жараёнда қаралганда, минтақанинг гуллаб яшнаши ҳам, унинг ҳозирги ҳолати ҳам кўп жиҳатдан Амударёга боғлиқ бўлган. Воҳанинг бепоён чўл ҳудудлари билан ўралганлиги, бошқа воҳа ва водийлардан узоқда, алоҳида жойлашганлиги ўтмишда уни ҳарбий – стратегик мазмун касб этган.

¹². Солиев А., Қурбонов Ш. “Қуйи амударё минтақасининг иқтисодий географик муаммолари”.

Ҳозирги кунда Қуйи Амударё иқтисодий райони катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эмас: унинг ҳиссасига Ўзбекистонда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 6,3 фоизи, саноат маҳсулотининг 9,9 фоизи тўғри келади (таққослаш учун: районнинг мамлакат аҳолисидаги ҳиссаси 11,5 фоизга тенг). Қуйи Амударёнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳам суст: у мамлакат ташқи савдо айланмасининг бор – йўғи 2,2 фоизини, шу жумладан экспортининг 2,9 ва импортининг 1,1 фоизини таъминлайди, холос (2006 й.). Бу ерда ерда қулай инвестиция макони эндигина шаклланмоқда.

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг минтақалар ижтимоий – иқтисодий ривожланишига, жумладан Қуйи Амударё туманлаштиришда хўжаликнинг турли тармоқларини ривожлантиришга катта аҳамият берди. Айниқса, мамлакатимизнинг транспорт ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қуйи Амударёни республикаимизнинг ички ҳудудлари билан бевосита темир йўл орқали боғланиши ҳамда Оролбўйи минтақасида ижтимоий – экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора – тадбирларнинг амалга оширилиши диққатга сазовордир.

Иқтисодий район, умуман олганда, маълум даражада ўзининг минерал хом – ашё ва меҳнат салоҳиятига эга. Бироқ, бу имкониятлар ички жиҳатдан унинг турли қисмларида бир хил эмас. Энг аввало минтақанинг икки, бир – биридан катта фарқланувчи ҳудудларидан иборат эканлигини таъкидлаш жоиз. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси фақат майдони бўйича Ўзбекистонда биринчи, қолган барча соҳаларда энг охирги ўринда ёки охиридан биринчи. Масалан, жон бошига ҳисоблаганда, ялпи ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, ташқи савдо айланмасида, чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишда у республика ўртача кўрсаткичда 3 – 4 ва ҳатто 7 – 8 марта (ташқи савдо ҳажми бўйича) орқада. Лекин, Қорақалпоғистон Хоразм вилоятидан ўзининг қазилма бойликлари, хусусан тоғ – кон, кимё хом ашёси ҳамда келажакда аниқланиши кутилаётган нефт – газ конларига бой ва бу имкониятлар унинг иқтисодий ривожланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши билан ажралиб туради. Қурилиши тугатилган Қўнғирот сода заводи, Устюрт платосида олиб борилаётган геологик қидирув ишлар, Чимбой – Тахтақўпир ҳудудидаги турли хил туз конларидан фойдаланиш, транспорт ва ижтимоий инфратузилма тизимини яратиш бу борада катта аҳамиятга эга бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий жиҳатдан 14 та қишлоқ туманларидан иборат. Аммо, уларнинг “зичлиги” жуда паст ва туманлар ўзларининг ҳудуд кўлами бўйича бир – биридан катта фарқ қилади. Агар Қўнғирот, Мўйноқ (37,0 минг кв. км) ва Тахтақўпир (21,1 минг кв. км)

туманларини бирга ҳисобласак, унда ана шу 3 туманга Қорақалпоғистон ҳудудининг 80,2 фоизи, бутун Ўзбекистон Республикаси майдонининг яқин 30 фоизи тўғри келишининг гувоҳи бўламиз.

Қорақалпоғистоннинг умумий урбанизация даражаси, турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, нисбатан юқори. Бу ерда мавжуд 12 та шаҳар ва 15 та шаҳарчаларда 767,5 минг киши ёки жами аҳолининг 48,5 фоизи яшайди; ўртача ҳар бир шаҳар типигаги манзилгоҳга 28,4 минг кишидан тўғри келади (мамлакат бўйича бу кўрсаткич 41,1 минг кишига тенг, 2007 й.). Аксарият шаҳар ва шаҳарчалар туман маъмурий маркази вазифасини бажаради. Аммо уларнинг бу хусусдаги салоҳияти турлича: Хўжайли, Чимбой ва Мўйноқ туманларининг марказларида жами аҳолининг деярли ярми, Тўрткўл ва Берунийда тахминан унинг 1/3 қисми яшаса, Элликқабла туманининг маркази – Бўстонда мазкур туман аҳолисининг 11,3 фоизи тўғри келади.

Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти – Нукус шаҳрида, 2007 йил маълумотларига кўра, 259,3 минг, Берунийда 55,5, Тўрткўлда 52,1 киши яшайди. Айни вақтда Кубла Устюртда ва Қўнғирот сода заводи қурувчиларининг шаҳарчаси – Элободда, 0,8 ва 0,6 минг кишидан аҳоли бор.

Қорақалпоғистоннинг шаҳарлар тизимида Нукус агломерацияси кескин ажралиб туради.

Қуйи Амударё урбанистик минтақасида Хоразм вилояти кўп жиҳатдан Қорақалпоғистоннинг акси ҳисобланади. Чунончи, унинг майдони жуда кичик (бу борада, у Сирдарё ва Андижон вилоятларидан олдинда, холос), аҳоли эса ўта зич (1 кв. кмга 242,3 киши, Қорақалпоғистонда 9,5 ва Ўзбекистон Республикасида ўртача – 59,4 киши). Вилоятда минерал хом ашё захиралари йўқ даражада, шу боис бу ерда оғир саноат тармоқларини ривожлантириш имкониятлари жуда чекланган. Бироқ, бу ерда меҳнат ресурслари кўп бўлиб, улар меҳнат сиғими юқори бўлган енгил ва оғир саноат ҳамда суғорма деҳқончилик тармоқларини ривожлантиришга қулай шароит яратади.

Хоразм вилоятида “иқтисодий зичлик” ҳам анча юқори. Масалан, унинг ҳиссаси республика умумий майдонининг 1,3 фоизга тенг бўлган ҳолда, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 3,6, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 6,5 фоизи шу ҳудудда яратилади. Айтиш мумкинки, бу ерда интенсив даражада ривожланаётган агроиқтисодиёт мажмуаси мавжуд. Аммо иқтисодий – демографик таҳлил Хоразм вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган нисбий кўрсаткичларнинг анча пастлигидан далолат беради. Чунончи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ташқари, қолган барча кўрсаткичлар республика ўртача даражадан 2 – 4 марта паст. Ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши, ташқи савдо кабиларда вилоят Ўзбекистон минтақалари орасида

ўртачага яқин мавқеда туради. Унинг ҳиссасига республика ташқи савдо айланмасининг 1,4, экспортининг 1,9 ва импортининг 0,6 фоизи тўғри келади, холос; инвестиция ҳажми бўйича эса бу кўрсаткич 2,9 фоизга тенг (2006 й.).

Хоразм вилояти саноати кўп тармоқли эмас; 2006 йил якунлари бўйича жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 52,8 фоизи енгил саноат зиммасига тушади. Қорақалпоғистонда ушбу саноат тармоғининг улуши 34,8 ва Ўзбекистон Республикасида ўртача 14,6 фоиз. Вилоят аҳолиси бошқа минтақаларга қараганда бироз тезроқ ўсмоқда. Бу асосан туғилиш коэффицентининг нисбатан юқорилаган (22,4%, Ўзбекистон Республикаси – 20,7%, Қорақалпоғистон Республикасида – 21,7%) ва айни вақтда ташқи миграция салбий қолдиғининг бирмунча камлиги билан тавсифланади. Жумладан, 2006 йилда мамлакатимизда ташқи миграция қолдиғи минус 65,5 минг киши (2005 йилда 101,6 м. К.) бўлган ҳолда, ушбу кўрсаткич Хоразмда минус 2,5 минг кишини ташкил этган. Қўшни Қорақалпоғистон эса бу борада анча “фаол” – у республика салбий миграция қолдиғининг деярли $\frac{1}{4}$ қисмини таъминлайди.

Вилоятда, Қорақалпоғистонда бўлганидек, экологик омиллар таъсирида нозогеографик вазият ҳам унча соғлом эмас. Бу ерда аҳолининг касалланиши (биринчи марта ташхис асосида қайд қилинган беморлар) ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда, Хоразмда 2006 йилда 6009 киши бўлган. Ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистонда 4448 ва мамлакатда ўртача 4736 кишини ташкил қилади. Бир ёшгача бўлган гўдақлар ўлими шу йилда Қорақалпоғистонда 17,1, Хоразм вилоятида 16,9 промилле, республикада ўртача 14,5% га тенг бўлган.

Хоразм вилоятининг ўзига хос томони шундаки, у ички тафовутларга бой эмас. Бу ҳам бўлса вилоят майдонининг (кичик ўнг соҳилини ҳисобга олмаганда) бир текис ўзлаштирилганлиги билан боғлиқ. Шу боис, мавжуд 10 та қишлоқ туманлари ўзларининг майдони ва аҳолисининг сони бўйича катта фарқ қилмайди. Хазорасп ва Хива туманларида, мос ҳолда, 196 ва 186 минг кишидан аҳоли яшайди, фақат Янгиариқ ва Янгибозор туманлари аҳолиси 100 минг кишидан кам (87,6 ва 67,7 минг киши).

Хоразм вилояти умумий урбанизация даражаси бўйича ҳам Қорақалпоғистоннинг акси: бу ерда фақат 3 та шаҳар (шаҳарлар сонига кўра Ўзбекистонда энг охирги ўринда) ва 7 та шаҳарча мавжуд бўлиб, уларда 324,6 минг киши ёки вилоят жами аҳолисининг 22фоизи яшайди (Ўзбекистонда 35,9 %). Вилоят иқтисодий географик маконининг асосини Хоразм “ички халқаси” Урганч – Хонқа – Хазорасп – Боғот – Янгиариқ – Хива – Қўшкўпир – Шовот – Гурлан – Янгибозор – Урганч ташкил қилади. Албатта, минтақанинг урбанистик таркибида Урганч (135,2 минг киши) ва Хива (52,4 минг киши) шаҳарлари алоҳида ажралиб туради. Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти ўзаро қатор кўрсаткичлари бўйича анча фарқ қилсада, улар айна вақтда бир-бирини тўлдиришади. Чунки, ҳудуднинг юқоридаги таъкидланган хусусиятлари ҳам ушбу маъмурий бирликларни иқтисодий жиҳатдан алоқадорликда ривожланишини талаб қилади.

Урбанистик минтақанинг маркази бўлган Нукус шаҳрини маъмурий-бошқарув, молия, таълим ва логистика маркази сифатида ривожлантирилса, Урганч шаҳрини эса минтақадаги иккинчи катта шаҳар сифатида иқтисод, саноат ва бизнес маркази сифатида ҳамда минтақанинг жануби-шарқий қисмидаги ўсиш нуқтаси сифатида ривожлантириш керак. Қолаверса Нукус шаҳрининг маълум бир функцияларига кўмаклашувчи, унинг ўрнини тўлдирувчи вазифасини шакллантириш керак. Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан Урганч шаҳрида автомобилсозлик саноатига асос солинмоқда, бу соҳани ривожлантириб минтақа доирасида автомобилларга бўлган талабни қондириш ва жаҳон бозорларига экспорт қилиш орқали товар айланмаси, ялпи ички маҳсулотдаги минтақа улуши кўпайтирилади. Шунингдек воҳанинг ўзига ҳос интенсив қишлоқ хўжалик маданияти ва салоҳиятини инобатга олиб, дунё бозорлари учун озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи саноат маркази шаҳрига айлантириш ғояси ҳам катта имкониятларни очади.

Ягона иқтисодий минтақани шакллантириш имкон доирасида ўзаро ички интеграция жараёнларини ривожлантиришни табиий ҳолда тақозо этади. Ушбу ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий стратегик йўналишларини умумийлиги эса кўп жиҳатдан унинг иқтисодий географик ва геосиёсий ўрни ҳамда демографик ва геоэкологик вазиятининг хусусиятларига асосланади.

Хулоса

Ўзбекистонда катта шаҳарларнинг ўсиши, ва уларнинг тархий-таркибини тартибли ва комплекс ривожлантириш бозор иқтисодиёти шароитида долзарб вазифалардан биридир. Ўзбекистонда катта шаҳарлардан 4 таси вилоят маркази, 2 таси тоғ қон қазилма бойликларни қайта ишлашга, 1 таси кимё саноатига, шунингдек энергетика ва қора металлургияга, 2 таси озиқ-овқат саноатига ва яна 1 таси енгил саноат тармоқларига ихтисослашган шаҳарлардир.


Катта шаҳарлар ўзининг интенсив ривожланган аҳоли яшаш туманлари, саноат зоналари, маданий-маиший ва савдо марказларига эга бўладилар. Шаҳарлар 100 минг кишидан ошгани сайин унинг функциялари ҳам ошиб боради ва ўзига ҳос урбанистик тизим ҳосил бўлади. Шаҳаролди зоналар билан интенсив алоқалар ривожланиб боради ва маятниксимон миграция жараёнлари

шаклланади. Республикамизнинг Шимолий ғарбида «Қуйи Амударё урбанистик минтақаси»да жойлашган Хоразм вилоятининг маркази Урганч шаҳрида бозор иқтисодиёти шароитида вилоятда ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнесни ривожланиши шаҳар миқёсида янги саноат ва савдо ҳудудларини режалаштиришни тақозо қилмоқда. Шунингдек қишлоқ хўжалик ерларининг шаҳарга қўшилиб кетиш жараёни тезлашмоқда, чунки аҳолининг табиий кўпайиши натижасида уй-жойга бўлган талаб кундан кунга ошмоқда. Қолаверса Орол денгизи билан боғлиқ экологик вазиятнинг ҳам шаҳарининг ижтимоий-иқтисодий ва санитар-гигиеник ривожланишига ёмон таъсир қилмоқда. Шаҳарнинг гидрогеологик ва экологик вазиятини, ҳудудий ўсишини, марказий шаҳар билан йўлдош шаҳарлар орасида одамга ижобий таъсир қилувчи яшил зоналарни, шаҳар атрофида 100 метр бўлган санитар-ҳимоя зоналарини ташкил қилиш кескин континентал иқлим шароитида шаҳар микроиқлимини яхшилайти. Акс ҳолда инсон табиатдан ажралиб қолади ва бир қатор экологик ва ижтимоий муаммолар келиб чиқади. Буни дунёдаги кўплаб шаҳарлар мисолида амалиётда кузатганмиз. Шаҳарнинг марказидан оқиб ўтган Шовот каналини марказий ландшафт ўқи сифатида ривожлантириш, ва шаҳарнинг яхлит ландшафт тизимини ишлаб чиқиб режа асосда маҳаллий шароитга чидамли манзарали дарахтлар экилиши кўзда тутилиши керак. Шунингдек транспорт тизимини янада такомиллаштириш керак республика аҳамиятидаги транзит йўлларни иложи борида бирнеча сатҳда ташкил қилиш керак. Ер ресурслардан оқилона фойдаланиш, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига амал қилган ҳолда ҳудудларни жойлаштириш шаҳар муҳитини тартибли, ихчам ташкил қилишда муҳим омил ҳисобланади. Зеро ҳудудларни комплекс ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари ҳисобланади.


1. И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интимокда” 2000й.(242б).
2. И.А.Каримов. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. И.А.Каримов.2010й.(72б).
3. Д.У.Исамухамедова. ва Л.А.Адилова. “Шаҳарсозлик асослари ва Ландшафт Архитектураси” т.2009й.(144-45б).
4. “Ўзбекистон Архитектураси ва Қурилиши” журнали 4.2008й
5. З.Н.Яргина ва бошқалар «Основы теории градостроительства» Москва 1986й.
6. «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси». 1-12 жилдлар. Т.2001й.
7. С.К.Таштаева. “Ўзбекистон шаҳар агломерацияларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари”. Автореферат. Т.2011.
8. Латипов Д.В, Мирзаев М.К. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлиги асослари . Т.2000. 9-бет.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг маълумотлари [//www.stat.uz//](http://www.stat.uz//)
10. Сунъий йўлдош тасвирлари [//www.google.ru//](http://www.google.ru//)
11. Урганч ҳақида маълумотлар.[//www.wikipedia.org//](http://www.wikipedia.org//)
12. Матчанов Қ.,Хоразм вилояти бош архитектори “Хоразм вилоятида бунёдкорлик ишлари” Ўзбекистон Архитектураси ва Қурилиши журнали 4.2012й. 21-б.
13. Рўзметов Р. “Улкан бунёдкорликлар” Ўзбекистон Архитектураси ва Қурилиши журнали 3.2012й. 49-б.
14. В.А.Шквариов ва бошқалар. “Планировка и застройка больших городов” М.1961. 11-б.
15. К.М.Молутов. “Пути развития архитектуры Каракалпакии” Баку.1990й.
16. М.К.Мирзаев. “Туманни режалаштириш асослари” Т.2000.
17. Ш.Н.Қ 2.07.01-03* Шаҳарсозлик.Т.2009й.
18. “Ўзбекистон Иқтисодий ва ижтимоий географияси”Атласи Т.2011.
19. С.Х.Дадашева. “Структурно-планировочное развитие Бакинской Агломерации Населенных мест.автореферат. Баку-2005й.
- 20.Ҳ.К.Турсунов,М.К.Мирзаев. “Шаҳарсозлик иқтисодиёти асослари” Т.2002й.
- 21.Аҳмедов М.Қ.,Саидова У.Ҳ., Ўзбекистон Архитектураси ва қурилиши журнали 6.2009. 19-б.

Иловалар


Бобил шахри бош режаси




Афина шахри марказий кисми режаси



Минет шахри Мил. ав. 5-аср



Кадимги Рим шаҳри бош режаси




Флоренция XIV аср.




Флоренция кад. гравюра




Урта асрлар идеал шаҳар лойihalари



Йирик агломерациялардан бирининг ривожланиш босқичлари




Нью Йорк агломерацияси Лондон агломерацияси схемаси



Ўзбекистон республикаси табиий ҳаритаси





Ўзбекистон республикаси сунъий йўлдош тасвири




Хоразм вилояти харитаси



Урганч шаҳридаги архитектуравий мажмуалар




Урганч шаҳри бош режаси




Урганч шаҳри агломерациясининг марказий қисми схемаси



Урганч шаҳри агломерациясининг ўрта қисми схемаси



Урганч шаҳри агломерациясининг умумий схемаси



Реконструкция қилинган Ал Хоразмий кўчаси



“Хоразм Палас” меҳмонхонаси




Хивадаги “Ичан қалъа” ёдгорлик мажмуаси




Амударё узра қурилган янги кўприк




Хоразм вилояти харитаси




Урганч шаҳрининг асосий транспорт каркаси




Қуйи амударё минтақасининг суъний йўлдош тасвири



Ўзбекистон ҳудудини қулайлик даражасига қараб бўлиш



Куий амударё урбанистик минтақаси харитаси



Ўзбекистон Республикаси ҳудудий аҳоли жойлашуви чизмаси




XORAZM VILOYATI IQTISODIY KARTA


Asosiy sanoat tarmoqlari:
yengil (paxta tozalash), oziq-ovqat
Qishloq xo'jaligining asosiy tarmoqlari:
sholichilik, paxtachilik, polizchilik,
go'sht-sut chorvachiligi, ipakchilik



SHAHAR VA QISHLOQ
AHOLISINING SONI
(foiz hisobida)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA
XORAZM VILOYATINING
SALMOG'I
(foiz hisobida)



QISHLOQ XO'JALIGINING IXTISOSLASHUVI


Sug'orma dehqonchilik zonasi

sholichilik, paxtachilik, polizchilik, bog'dorchilik,
ipakchilik va sut-go'sht chorvachiligi


Cho'l - yaylov zonasi

cho'l-yaylov chorvachiligi (qo'ychilik,
qorako'lchilik)

KENG TARQALGAN
RAYONLAR



RAYONLAR



QISHLOQ XO'JALIGI VA SANOAT
YALPI MAHSULOTLARI HAJMI



ISHLOV BERUVCHI SANOAT


**Yalpi mahsulot hajmi
bo'yicha sanoat punktlari**



Sanoat tarmoqlari



UNDIRUVCHI SANOAT



MASSHTAB:1:1 250 000

Урганч шаҳар маркази кўриниши



Ёшлар кўли парки



Шаҳар бош майдони



Огаҳий театри



Хоразм спорт мажмуаси



Ал Хоразмий кўчасидаги янги бинолар



Вилоят туғруқхонаси



Хокимият биноси



Ахборот ресурс маркази

